

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА

МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ

“УМУМИЙ ПЕДАГОГИКА” КАФЕДРАСИ

**“БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРНИ
ҚЎЛЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ” мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ

Бажарди: “Бошланғич таълим ва
спорт тарбиявий иш” таълим

йўналиши битирувчи 4 курс

талабаси Тўракулова Д.

ИЛМИЙ РАҲБАР:

Ўқитувчи Ачилов Н.

Битирув малакавий иши кафедрадан дастлабки ҳимоядан ўтди.
_____ сонли баённомаси “_____” _____ 2014 йил

ТЕРМИЗ – 2014

БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Режа:

Кириш

1.Боб. Бошланғич синфларда интерфаол методларни қўллашнинг илмий-назарий асослари.

1.1. Интерфаол методларнинг мазмуни ва моҳияти.

1.2. Бошланғич синфларда интерфаол методларни қўллашнинг мавжуд ҳолати.

II.Боб. Бошланғич синфларда интерфаол методларни қўллашнинг шакл ва усуллари.

II.1. Бошланғич синф дарслари самарадорлигини таъминловчи интерфаол методлар.

II.2. Бошланғич синф математика дарсларида интерфаол методлардан фойдаланиш усуллари.

Умумий хулоса ва тавсиялар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ҳозирги кунда ёш авлодга таълим-тарбия бериш, касбга ўргатиш, уларнинг ақлий ва маънавий камол топтиришдан иборатдир. «Таълим тўғрисида» ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларидан келиб чиққан ҳолда таълимнинг мазмуни ва воситаларини янгидан ишлаб чиқишни ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда. Бу омил таълим жараёнини таркибий қисмларини янгича тартибда намоён бўлишини талаб этади. Ана шу ташкилий-педагогик жараёнда таълим қонуниятлари ва тамойилларига мос ҳолда янги тамойилларга амал қилиш, таълим усулларининг пайдо бўлиши, таълим воситаларининг такомиллашуви, айниқса таълимни ташкил этишда ўқитувчи маҳоратининг ноанъанавий шакллари кенг кўламда жорий этилиши кузатилмоқда.

Жамиятимиздаги кўпчилик инсонлар ўқитувчиларни кунлар, ҳафталар ва ойлар давомида ўқитиладиган фан бўйича аста-секинлик билан турли хил кўрсатма ва топшириқлар берадиган ҳамда бир маромда қандайдир билимлар мажмуасини ўқувчиларга сингдирадиган мутахассислар сифатида тушунадилар. Лекин уларнинг қандай кўрсатма ва топшириқлар беришлари ҳамда бундай усуллар қандай самара беришини кўпчилик билмайди ёки тушунмайди. Шунинг учун ҳам, йиллар давомида таълим беришнинг бир канча усуллари ва услубияти вужудга келдики, уларнинг жамиятдаги ўрни, аҳамияти беқиёсдир. Шу ўринда, Президент И.А.Каримов таълим тушунчасига миллий демократик нуқтаи назардан ёндошиб қуйдагича таъриф берган эди: “Таълим Ўзбекистон халқи маънавиятига яратувчанлик фаолиятини бахш этади. Ўсиб келаётган авлодларнинг барча энг яхши имкониятлари унда намоён бўлади, касб-кори, маҳорати узлуксиз такомиллашади, катта авлодларнинг доно тажрибаси англаб олинади ва ёш авлодга ўтади”¹. Таъкидланган мақсадни амалга ошириш учун таълимнинг

¹Каримов И.А. *Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.*-Т.: “Ўзбекистон”, 1994, 78-бет.

янгидан-янги услублари яратилмоқда. Баъзи бир таълим бериш услублари ўқувчиларнинг билим олиш жараёнини ўрганиш асосида ташкил этилган бўлса, бошқалари дарс бериш жараёнида рўй берадиган муаммоларни ҳисобга олган ҳолда ташкил этилган. Ўқитиш услубиятининг бошқа турлари эса бир қанча олимлар томонидан ишлаб чиқилган фалсафий-манتيкий моделлар асосида, масалан, Сукрот услуби, мулоқот усулида ташкил қилинган. Ундан сўнг ўқитишнинг таълим бериш моделлари асосида ташкил этиш кенг миқёсда амалга оширила бошланди. Бунда ўқувчи-талабаларнинг маълум бир соҳа ёки фандан билим олишлари махсус усуллар, моделлар, таълим стандартлари ёки стратегиялар асосида амалга оширилар эди. Баъзи бир моделларда ўқитувчи доминант ролида бўлиб, барча таълим бериш вазифаларини ўзи ҳал қилар, бошқаларида эса талабаларга тўла эркинлик берилиб, улар демократик тамойиллар асосида ўқитилар, яна бошқа бирларида эса ўқувчи ва ўқитувчи орасида тенглик ҳамда ижодий фикр алмашилиш жараёни амалга оширилиб, ўзаро мулоқот воситасида интерфаол таълим жараёни амалга оширилар эди. Лекин бу моделларнинг ишлатилиши ва самараси ўқувчиларнинг билим даражасига, интилишларига, онгининг ривожланиш кўрсаткичларига ҳар доим ҳам мос келавермайди. Масалан, синфхонадаги ўқувчиларнинг аксарияти билим олишни унамайдиган ва бунга интилмайдиган бўлса, аммо ўқитувчидан уларга қандайдир усуллар билан бўлса ҳам қандайдир билим бериш талаб қилинса, у ҳолда юқорида кўрсатиб ўтилган ҳар қандай модел, усул ёки стратегия ҳам ўз-ўзидан ожизлик қилиб қолади. Бундай ҳолларда таълим беришнинг энг янги моделларидан бири кооператив таълим бериш модели бўлиб, унда ўқувчилар ва таълим берувчи инструктор биргаликда маълум бир ҳаётий масала ёки муаммоларни ҳал қилиш жараёнида тегишли малакага ёки билимга эга бўладилар. Аммо ҳозирги таълим бериш жараёни асосан синфда ёки махсус жиҳозланган хоналарда талабалар ва ўқитувчининг ўзаро мулоқоти орқали амалга оширилади.

Республикамизда мустақиллик йилларида умумий ўрта таълим мактабларида таълим соҳасида, ўқитишни замонавий технологиялар асосида ташкил этиш ҳозирги жамият тараққиёти талабидан келиб чиқмоқда. Ҳозирги давр таълим бериш жараёнини қуйидаги асосий жиҳатлар билан ифодалаш мумкин:

- ўқитувчининг фаолияти нафақат илмий-амалий, балки ижодий-артислик асосда ҳам амалга оширилиши лозим;

- ўқитувчининг дарс бериш жараёнидаги роли анча мураккаб бўлиб, унинг ўзига хос тарихий ва замонавий жиҳатлари мавжуд. Олдинги даврларда ўқитувчиларнинг фақатгина замонавий билимлар бериши талаб қилинса, ҳозирда улардан тарбиявий, маданий-маънавий, сиёсий ва амалий билимлар бериш ҳам талаб қилинади;

- ҳозирги пайтда кўпчилик ўқувчилар билим даражаси бир-биридан анчагина фарқ қилишини ҳисобга олганда, ўқитувчиларнинг иши янада мураккаблашади – энди улар аввалгидан фарқли ўлароқ, турли хил билим даражаси ва турли амалий кўникмаларга эга бўлган ўқувчилар жамоасида ишлашларига тўғри келади. Бу эса улардан таълим беришда янги усул ва услубиятлар қўлланишини тақозо қилади;

- ўқитувчиларга бўлган талаб ҳам сезиларли даражада ошди ва энди улар нафақат илмий, балки маърифий ва амалий билимларни ҳам пухта эгаллашлари зарур;

- илм, фан ва техниканинг жадал ривожланиши, янги техника ва технологияларнинг жамиятнинг барча қатламларига кириб бориши, ахборот технологияси воситаларининг барча давлат ва нодавлат муассасаларида қўлланилиши ўқитувчилардан узлуксиз билим олишни талаб қилмоқда;

- ўқитувчиларнинг фаолияти кўп қиррали бўлиб, улар бошқарувчи, мулоқот қилувчи, йўналтирувчи, ташкил этувчи ва баҳоловчи ролларини амалга оширишлари керак бўлади.

Бугунги кунда таълимнинг ана шундай усулларида бири интерфаол таълимдир. Интерфаол таълимнинг асосини интерфаол методлар асосида дарсни олиб бориш ташкил этади. Таълимнинг интерфаол методлари ўқувчиларнинг улкан таълимий қудратидан фойдаланиш ва фаоллаштириш, ўқув жараёнига мусобақа элементларини киритиш имконини беради: таълим оловчилар гуруҳининг ақлий кучи йиғиндисидан кўпроқ.

Таълимнинг интерфаол методлари таълимда янгиликлар сирасига киради. К. Ангелевский фикрича: барча давлатлар таълимга имкон қадар кўп янгилик киритишга интилмоқда. Бугунги янгиликлар уларга уюшган, режали, оммавий ёндошувни талаб этади. Янгиликлар келажак учун узок муддатли инвестициялардир. Новаторликка қизиқиш уйғотиш, янгилик яратишга интилувчан шахсни тарбиялаш учун таълимнинг ўзи янгиликларга бой бўлиши, унда ижодкорлик руҳи ва муҳити ҳукм суриши лозим.

Интерфаол таълим асосини ўқувчиларнинг гуруҳларда ҳамкорликда ишлаш фаолияти ташкил этади. Бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқликда индивидуал, гуруҳли ва жамоавий иш шаклларида фойдаланишга кенг эътибор қаратилган. Бошланғич синф ўқитувчиларида педагогик технологиясини таркиб топтириш муаммосининг ижобий ҳал этилиши – ушбу муассасаларда фаолият юритаётган ўқитувчиларнинг педагогик технологиялар ва уларнинг моҳияти борасида маълумотларга қанчалик эгаллиги, назарий билимларни амалиётда қўллай олиш лаёқатининг шаклланганлиги, шунингдек, мазкур умумий таълим мактабларида таълим-тарбия жараёнини технологиялаштирилишига нисбатан эътиборнинг қаратилаётганлигига боғлиқлиги ва бу муаммо ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири

эканлигини назарда тутиб, биз битирув малакавий ишимизни **“Бошланғич синфларда интерфаол методларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари”** деб номладик.

Битирув малакавий ишнинг мақсади: Бошланғич синфларда педагогик технологиялар асосида замонавий ўқитишни ташкил этишнинг самарали йўллари усул ва шакллари ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишнинг объекти: 1-синф математика дарсларида интерфаол методларни қўллаш жараёни.

Битирув малакавий ишнинг предмети: 1-синф математика дарсларида интерфаол методларни қўллашнинг мазмуни, шакл ва усуллари.

Битирув малакавий ишнинг вазифалари:

- бошланғич синфларда интерфаол методларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари долзарб педагогик муаммо эканлигини асослаш;

- ўқитиш жараёнида педагогик технология усуллариининг ўрни ва аҳамиятини тушунтириш ҳамда ўқитишни замонавий ташкил этишда педагогик технологиялардан фойдаланиш борасидаги тажрибаларни ўрганиш;

- бошланғич синфларда интерфаол методларни қўллашга йўналтирилган дарсларининг самарадорлик даражасини аниқлаш ва бошланғич синфларда интерфаол методларни қўллашга йўналтирилган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишнинг методлари:

- тадқиқот жараёнида қуйидаги методлардан фойдаланилди. Мавзуга оид фалсафий, социологик, педагогик, психологик адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш;

- педагогик технологияга оид педагогик тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш. Кузатиш, суҳбат, тест, анкета сўровномалари, мустақил ишлаш, педагогик тажриба ва синов ишлари.

Битирув малакавий иш икки босқичда олиб борилди:

Мавзуга оид тегишли адабиётлар ўрганилди, таҳлил қилинди ва муаммонинг назарий ва амалий асослари ўрганилди. Шунингдек, ишнинг мақсади, вазифаси, илмий фарази аниқланди. Педагогик технологиядан фойдаланишнинг бугунги ҳолати ўрганилди. Таълим-тарбия жарёнида ўқитишнинг замонавий интерфаол усулларида фойдаланишга оид тажрибалар кузатилди ва таҳлил қилинди.

Иккинчи босқич - тажриба-синов ишлари Термиз шаҳар 9- умумий ўрта таълим мактабининг 1-синфларида олиб борилди.

Битирув малакавий ишнинг методологик асослари:

Шарқ мутафаккирларининг таълимотлари, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимининг мазмунини белгилаб берувчи меъёрий ҳужжатлар, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорлар, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан илгари сурилган ғоялардан иборат.

Битирув малакавий ишнинг илмий фарази: интерфаол методлар асосида замонавий ўқитишнинг самарадорлиги қуйидаги ҳолатларда юқори бўлиши мумкин, агарда:

- бошланғич синфларда интерфаол методлар асосида замонавий ўқитишни муайян тизимга эга бўлган мазмун, шакл ва методлари ишлаб чиқилса;

- ўқитишни ташкил этиш жараёнида интерфаол методлардан кенг қўлланилса ва ўқитишнинг педагогик шарт-шароитлари инобатга олиниб, кўргазмали ва кўрсатмали қуроллардан фойдаланишга эришилса;

- бошланғич синфларда интерфаол методларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятларига йўналтирилган педагогик жараён муайян илмий-педагогик тавсияларга таянган ҳолда ташкил этилса, дарсларда интерфаол методларни қўллаш жараёни самарали бўлади.

Битирув малакавий ишнинг илмий янгилиги:

1-синфларда интерфаол методларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари долзарб педагогик муаммо сифатида амалий жиҳатдан асосланди.

Ўқитишнинг замонавий ташкил этишда педагогик технологиялар усуллари, воситалари такомиллаштирилди.

Ўқитишни замонавий ташкил этишда педагогик технологиянинг хусусиятлари кўрсатилди ва тажриба синов жараёнида олинган натижалар қайта ўрганилди.

Бошланғич синфларда интерфаол методларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятларига йўналтирилган дарсларнинг самарадорлик даражаси аниқланди ва ўқувчиларда интерфаол методларни қўллашга йўналтирилган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

Битирув малакавий ишнинг илмий аҳамияти: Бошланғич синфларда интерфаол методларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятларига йўналтирилган назарий ёндошувлар, илмий-методик тавсиялар билан бойитилди.

Битирув малакавий ишнинг амалий аҳамияти: Тажриба жарёнида ишлаб чиқилган материалларидан бошланғич синф ўқитувчилари кенг

фойдаланиш мумкин. Таълим муассасаларида педагогик технологиялар асосида таълим жараёнини ташкил этишда кенг қўлланилади.

Битирув малакавий ишнинг тузилиши: кириш, 2 боб, 4 параграф, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I.БОБ. Бошланғич синфларда интерфаол методларни қўллашнинг илмий-назарий асослари

I.1. Интерфаол методларнинг мазмуни ва моҳияти.

Ҳар қандай мамлакатнинг кучи унинг интеллектуал салоҳияти билан белгиланади. Салоҳиятга турли йўллар билан эришиш мумкин. Жумладан, И.А.Каримов ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида ишлаб чиқилган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да белгилаб қўйилган «Ўзбекистоннинг халқаро андозалардаги замонавий тараққиётини таъминлай оладиган дадил, мустақил тафаккурли, малакали, билимли мутахассис, айти пайтда ички инсоний сифатлари барқ уриб камолотга етган кадрларни тайёрлаш» орқалигина шундай салоҳиятга эришиш мумкин. Бу мақсадни амалга ошириш учун таълим-тарбия жараёнига илғор педагогик технологияларни жорий қилиш зарурлиги Миллий дастурда ҳам, Давлат таълим стандартларида ҳам долзарб вазибаларидан бири сифатида кўрсатилган.

Дастлаб «технология» тушунчасига аниқлик киритайлик. Бу сўз фанга 1872 йилда кириб келди ва юнонча «texnos»-хунар, санъат ва «logos» фан сўзларидан ташкил топиб, «хунар фани» маъносини англатади. Бироқ бу ифода замонавий технологик жараённи тўлиқ тавсифлаб бера олмайди, ёхуд технологик жараён бу меҳнат қуроллари билан меҳнат воситаларига таъсир этиш натижасида маҳсулот яратиш соҳасидаги қўлланиладиган усул ва методлар йиғиндиси ҳисобланади. Демак, бу таърифни татқиқот ишимизнинг мавзусига кўчириш мумкин бўлса, унда педагогик технология – ўқитишнинг янгича усули бўлиб, таълим ва чуқур билим беришга, уларни мустаҳкамлашга, ўқувчилар билимдонлигини оширишга қаратилган жараён десак хато бўлмайди.

Педагогик технологияга кенг таъриф бериш учун илмий изланиш талаб этилади. В.П.Беспальконинг Ўзбекистонлик шогидларидан Нурали Сайдахмедов ва Абдурахмон Очиловларнинг фикрича: “Педагогик

технология – бу ўқитувчи (тарбиячи)нинг ўқитиш (тарбия) воситалари ёрдамида ўқувчи (талаба)ларга муайян шароитда таъсир кўрсатиши ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда олдиндан белгиланган шахс сифатларини интенсив шакллантириш жараёнидир”¹.

Бугунги кунда замонавий педагогик технологияларни амалиётда кенг қўллаш заруриятини қуйидаги омиллар билан изоҳлаш мумкин:

1. Жаҳондаги фан, техника ва маданиятнинг тез ривожланиб бориши ва унинг таълим мазмуни кенгайтириб, чуқурлаштириб юбораётганлиги.
2. Мамлатимизда таълим соҳасида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Давлат таълим стандартларининг яратилиши.
3. Замонавий педагогик технологиялар бўйича кўп йилдан буён ҳорижий мамлакатларда тўпланган тажрибалар ва улардан мамлакатимиз таълим муассасаларида фойдаланиш.

Бошланғич синф дарсларида педагогик технологиядан фойдаланганда қуйидаги қоидаларга амал қилиш лозим:

а) замонавийлик – таълим-тарбия амалиётига асосланган тажриба, синовдан ўтган дидактика соҳасидаги янгиликларни жорий этиш;

б) таълим-тарбия мазмунини узлуксиз янгилаб бориш, ўқув дастурларига бефарқ бўлмасдан синчковлик билан ўрганиш;

в) умумий ва миллий қадриятлаш соҳасидаги янги ижодларини ўрганиб бориш;

г) ўқув жараёнида ўқувчи билим ўқитувчи фаолиятини оптималлаштириш, фаоллаштириш;

¹Сайдахмедов Н., Очилов А. Янги педагогик технология моҳияти ва замонавий лойиҳаси. Т.: 1999, 7-8-бет.

д) илмийлик-янги усул, восита муаммоси ҳолатларидан фойдаланиб, ўқувчиларни мустақил фикрлаш ва ўзини англашга ўргатиш;

е) дарс мақсадининг аниқлиги мазмунининг замонавийлиги, миллий

маънавий қадриятлар билан бойитилиши:

ё) янги педагогик технологияларни амалга ошириш учун ҳар бир ўқитувчи назарий чуқур билимга эга бўлиши зарур.

Педагогик технология тушунчаси янги тушунча эмас, чунки бу тушунчанинг таълим-тарбия жараёнида пайдо бўлганига 40-50 йилдан ошмоқда. Жумладан, Ўзбекистонда савод ўргатиш жараёни тарихига назар ташлайдиган бўлсак, унда педагогик технология элементларини учратиш мумкин. Савод ўргатиш технологиясининг қадим замонлардан бошлаб Ўзбекистон ҳудудида бир неча усуллари шаклланган ва амалда қўлланиб келинган. Бу усулларни таълим технологиясининг энг асосий таркибий қисмлари сифатида қараш мумкин, чунки савод ўргатиш ҳар қандай таълимнинг бошланиши ҳисобланади ва бу жараён ўзига хос технологиядан иборат. Алифбе ўргатиш Ўзбекистонда турли даврларида қуйидагича номланган усулларида олиб борилган:

Товуш усули (усули сатвия)-ҳарфларни овозлар билан танитиш. Бу усулни қўллаш билан ўқувчиларда илмий билиш методлари (қиёслаш, ажратиб олиш, солиштириш, умумлаштириш кабилар)га хос лаёқат ва малакалар ривожланиб боради. М.Бехбудий (1875-1919) туркистонликлар орасида биринчилардан бўлиб савод ўргатишда янги усул – товуш усулини амалиётда қўллади.

Товуш усулида жаҳид мактаблари учун Мунавварқори Абдурашидхонов (1878-1931) 1907 йилда «Адиби аввал» (Биринчи ўқитувчи) алифбо дарслигини ва «Адаби соний» (Иккинчи ўқитувчи) ўқиш китобларин чоп эттирди.

Маддия усули (усули маддия (мадд-чўзиш)) бу усулда ундош товушларнинг номи бир-бирига қўшилмайди, балки бир ундош товушнинг номига бир унли товуш қўшилиб, очиқ бўғин ҳосил қилинади боқакба, беқуқбу каби. Бу метод қуруқ ёдлаш кўриш хотирасига асосланади. Абдулла Авлонийнинг «Биринчи муаллим» дарслиги маддия усулида яратилган.

Бутун сўзлар ёки «амриқо» усули. Бунда дарсликнинг савод ўргатиш даврида Америка мактабларида XX аср бошларида ўқитилгани каби 7-дарсгача сўзларни бўғин ва товушга ажратмай, яхлит ўқитиш, саводга ўргатишнинг илк даврида болалар яхши биладиган ҳайвон ва паррандалар (мушук, сичқон, тўти қабилар)нинг расмини кўрсатиб, расм остидаги уларнинг номларини ўқитиш каби усуллардан фойдаланилади. Бу усулда Ўзбекистонда дастлабки алифбе Ҳасан Али томонидан яратилган бўлиб, ундаги матнларда қуйидагича ўхшаш мисоллар қўлланилган: қатор-қатор тош қўйдим, жайрон отни бўш қўйдим (тиш ва тил).

Изоҳли ўқиш усули – XIX асрнинг 90 йилларда Тошкент, Қўқон, Самарқанд шаҳарларидаги янги усул мактабларида қатор дунёвий фанлар ўқитилиши билан бирга қўлланилди. Бунда, асосан, олдин билимни ўзлаштиришга сўнгра ёд олишга эътибор берилган.

Имло усули – ўқитувчи айтиб турганини ўқувчилар ёзганлар (VIII-IX асрларда). Тадрис усули – (тадрис-шарқ, изоҳ) X асрдан илгарироқ Марказий Осиёда тарқалган.

Демак, педагогик технология биз учун ҳам янгилик эмас. Юқори биз педагогик технологияни заманавий усули орқали ўқув мақсадларига гаровли эришиш мумкин деб баҳоладик. Хўш, мактабдаги ўқитиш жараёнининг сифати яна қайси омилларга боғлиқ.

Мактабдаги ўқув жараёнининг сифати кўп омилларга боғлиқ бўлиб, улар орасида ўқитишнинг усул ва методлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бинобарин, улар билимларнинг онгли ва чуқур ўзлаштиришига, ўқувчиларда

мустақиллик ва ижодий фаолликни ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади. Усул ва метод тушунчалари ўзаро боғлиқдир, чунки уларнинг ҳар бири метод сифатида ҳам, усул сифатида ҳам намоён бўлади.

Метод – юнонча атама бўлиб, айнан нимагадир йўл деган маънони англатади, яъни мақсадга эришиш йўлини билдиради. Ўқитиш методи таркибида усуллар алоҳида ажралиб туради. Усул – методнинг унсури бўлиб, унинг таркибий қисми, методни амалга оширишда бир мартагина қўлланади ва алоҳида қадам ҳисобланади. Тажрибада ўқитиш усуллари ва методларининг жуда катта бойлиги тўпланган. Уларни танлашда турли шароитлар, ўқитилаётган фаннинг характери, болаларнинг ёш хусусиятлари, олдинги тайёргарлик даражаси ва ҳақозолар ҳисобга олинади.

Метод ва усулларни танлаш ўқитувчи дарсда ҳал қилиниши мўлжалланган масалага боғлиқ бўлади. Чунончи, янги материални баён этишда бир хил методлар қўлланса, уни мустаҳкамлашда ва мазмунини умумлаштиришда яна бошқа хил методлар қўлланилади. Гарчи ҳар бир ўқитишнинг ишида анчагина усул ва методлар мавжуд бўлсада, уларни қўллашдан кўзланадиган мақсад тарбияланувчининг таълимий ишларини фаоллаштиришдир. Бу тадбир жуда муҳим бўлиб, биринчидан, ўқувчиларни уларнинг эътиқодига, эътиқодни эса амалий фаолиятга, хатти-ҳаракатга айлантиради, иккинчидан, ўқитиш жараёнининг ишини осонлаштиради. Зотан, ўқиш-ўрганиш диққат эътиборни талаб қиладиган, мураккаб фаолиятдир ва унда ўткир ақл, мустаҳкам ирода, тиниқ тасаввур, кучли хотира зарур. Ўқитувчининг вазифаси самарали усул ва методлардан фойдаланиб ўқувчиларда ана шу сифатларни таркиб топтириш ва уларни қийинчиликларни енгишга ўргатишдир. Ўқитиш усулларига муайян талаблар қўйилади.

Ўқув материални ўрганишнинг ўқитувчи тавсия этган йўли фикрлашнинг диалектик-материалистик усули мустақил қарашлар, иродавий

хусусиятлари ва хулқнинг шаклланишига олиб бориши керак. Ана шу талаб нуқтаи назаридан метод тарбиявий тусда булиши лозим.

Ўқитиш методининг илмий асоси яққол ва аниқ бўлиши зарур. Шундагина ўқитувчи мазкур метод орқали қандай масалалар қўйилиши ва ҳал қилиниши мумкинлигини, қандай масалаларни ҳал қилиб бўлмаслигини кўра олади. Ўқитишнинг тизимлиги унинг самарадорлигини белгилайди.

Ўқитиш методининг тушунарлилиги ўқитишнинг йўли ўқувчи учун қабул қилиниши ва қўлланиши, ўқув материални ўрганишнинг усули эса билимларни ўзлаштиришнинг имкониятларига мувофиқ бўлиши зарур.

Ўқитишнинг онглилик ва фаоллик зарурияти ниҳоятда жиддий талабдир. Билимларни пухталиги ва асослиги. Ўқитиш методикасида назарий ва амалий ҳодисаларнинг мувофиқлиги.

Ҳар қандай методдан бирор мақсадга эришиш кўзда тутилади ва шунинг учун у қандайдир мақсад қўйишни, унга эришиш бўйича фаолият усулини, ана шу фаолиятни амалга оширишда ёрдам берадиган воситаларни билишни тақозо этади. Ҳар қандай фаолият унинг объектини талаб қилади. Ниҳоят, метод мақсадга олиб бориши керак, акс ҳолда, у қўйилган мақсад яроқсизлигини, ё бўлмаса, бу ҳолатда уни умуман нотўғри қўлланганлигини эътироф этиш лозим. Ўқитиш усуллари қуйидагиларга бўлиш мумкин:

1. Тафаккур, хотира, диққат ва ҳаёлнинг алоҳида операцияларни таркиб топтирадиган ва фаоллаштирадиган усуллар;
2. Ўқувчиларнинг ўқув материални ўзлаштириш билан боғлиқ кечинмалари ва ҳиссиётларини фаоллаштирадиган усуллар;
3. Назорат ва ўқувчиларни ўз-ўзини назорат усуллари;
4. Ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг жамоавий ва шахсий ўзаро муносабатларини бошқариш усуллари.

Ўқитишнинг турли методларида бир хил усуллари киритиш мумкин. Сўнгги йилларда педагогикада ва мактаб амалиётида ўқитиш методлари муаммосига алоҳида эътибор берилмоқда. Шу муаммо бўйича анчагина

татқиқотлар бажарилмоқда, илғор педагогик амалиётда ўқитишнинг самарадор усулларининг ва уларнинг тизимларини қўллашнинг талайгина йўллари топилди. Аммо умумий таълим мактабига хусусан, бошланғич таълимга қўйиладиган янги талаблар ўқитишнинг усулларини янада такомиллаштиришни тақозо қилмоқда.


Юқорида кайд этилгандек, таълимнинг мазмунига қўйилаётган янги талабларни – ёш авлодга хусусан фанларнинг асослари бўйича юксак илмий-назарий билимлар беришдан иборат бўлиб, бу иш назарий билим методларига, шу жумладан, ўқувчиларни мантиқий фикрлаш, мантиқий операцияларни бажариш усуллари билан қуроллантиришни тоборо кучайтиришни тақозо этади.

Ўқитишнинг назарияси методларни инсоният тажрибасидан олади ва уларни ўқув машғулотларига мослаштиради. Шунинг учун ўқитиш методлари доимий равишда янгиланади, такомиллашади, фан-техникани ривожланиши ва ижтимоий ривожлантириш асосида янги методлар вужудга келади. Ўқитиш методларининг жуда кўп турлари мавжуд ва уларнинг аниқ сонини белгилаб бўлмайди.

Маълумки, ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини ошириш, эркин ва теран фикрлашга, ўз фикрларини раво ифодалашга ўргатишнинг замонавий усулларидан фойдаланишнинг ўрни беқиёсдир. Болаларнинг баркамол авлод бўлиб етишишида сўзлашиши маданияти, тўғри ва мантиқли гапира олиш қобилияти бўлмоғи лозим. Бугунги кунда амалга ошираётган ислохатларимизнинг марказида ўқувчининг таълим жараёнининг субъекти – фаол иштирокчига айлантириш ётади. Бунга албатта интерфаол усулларни (замонавий ўқитиш усулларини) қўллаш орқали эришилади. Интерфаол усуллар бу - ўқувчи ва ўқитувчи ҳамда ўқувчилар аро ўзаро биргаликдаги ҳаракатдир. “Interfaol” инглиз тилидан келиб чиққан бўлиб, “interakt” сўзидан олинган. “Inter” бу - ўзаро, “akt” -ҳаракатдир. Интерфаол методларда ўқитиш ўқувчилардан юқори фаолликни, олинган маълумотларни тўла англашда

ижодий ёндашув талаб этади. Интерфаол ўқитишнинг асосий мезонлари бу - норасмий мунозараларни ўтказиш, ўқув материалларини эркин ифодалаш, маърузалар сонини камайтириш, ўқувчиларни ташаббускорликка чорлаш, жамоавий изланувчанлик талаб қиладиган гуруҳий вазифалар ва ёзма ишларни бажаришдир.

Интерфаол усулларидаги дарслар ўқувчини ижодий фикрлашга, олинган ахборотларни фаолликда ҳал этишга, фикрини эркин баён қилишга, ташаббускорликка, гуруҳларда масалалар ечимини топишга, ҳамкорликда иш юритишга, фикрни ёзма равишда баён этишга чорлайди. Интерфаол методларда иш юритиш, анъанавий усуллардан воз кечиш дегани эмас. Балки мазмунни ўзаро фаолликда ҳал эта олиш демакдир. Масалан:



Интерфаоллик бу ўзаро икки киши фаоллиги, яъни бунда ўқув-билув жараёни ўзаро суҳбат тариқасида, диалог шаклида (компютер алоқаси) ёки ўқитувчи-ўқувчининг ўзаро мулоқотига асосан кечади.

Интерфаоллик - ўзаро фаоллик, ҳаракат, таъсирчанлик, у ўқувчи ва ўқитувчи мулоқотларида содир бўлади. Интерфаол усулнинг бош мақсади ўқув жараёни учун энг қулай вазият яратиш орқали ўқувчиларнинг фаол, эркин фикр юритишга муҳит яратишдир. У ўзининг интеллектуал

салоҳиятини, имкониятларини намоён этади ва ўқув сифати ва самарадорлигини оширади, таъмин этади.

Интерфаоллик асосида ўтган дарсни ташкил этиш жараёнида бирорта ҳам ўқувчи четда қолмайди, яъни улар кўрган, билган, ўйлаган фикрларни очик-ойдин билдириш имкониятига эга бўлади. Ўқувчилар ҳамкорликда ишлашда мавзу мазмуни билан ўзлаштиришда ўзларининг шахсий ҳиссасини кўшиш имкониятига эга бўладилар. Ўзаро билимлар, ғоялар, фикрларни алмашиш жараёни содир бўлади. Бундай ҳолатлар ўзаро самимийликни таъминлайди, янги билимларни олиш, ўзлаштиришга ҳавас ортади, шу жараёнда бир-бирларини қўллаб-қувватлаш, ўзаро дўстона муносабатлар вужудга келади. Бунинг тарбиявий аҳамияти катта.

Диалог асосида кечган ўқув жараёнларида ўқувчи танқидий фикрлашга, мураккаб масалаларни таҳлил асосда ечимини топишга, шунга яраша ахборотлар излаш, айрим алтернатив фикрларни ўзаро мунозараларда эркин баён қилишга ўрганади ва шундай кўникмалар шаклланади.

Интерфаол дарсларни ташкил этишда ўқув жараёнида якка тартибда, жуфт бўлиб ишлаш, гуруҳларда ишлаш, изланишга асосланган лойиҳалар, ролли ўйинлар, хужжатлар билан ишлаш, ахборот манбалари билан ишлаш, ижодий ишлашдан фойдаланиш мумкин. Улардан: жуфтликда ишлаш; корусел; кичик гуруҳларда ишлаш; аквариум; тугалланган гаплар; ақлий хужум; Броун ҳаракати; дарахт ечими; ўз номимдан сўзлайман; фуқаролар эшитуви; ролли ўйинлар; пресс метод; ўз позициясини эгаллаш; мунозара; дебатлар; катта давра. Улардан фойдаланишда қандайдир бир мақсадни кўзда тутиб, муаммони келтириб, ўқувчиларни шу жараёнда ишлашга тайёрлаб, уни маълум малакаларга эга бўлган ҳолатларда қўлланилса, кутилган натижаларни олиш мумкин.

Интерфаол ўқитишда ўқитиш муҳити ташкил этилади, қулай муҳит яратилади, яхши ташкил этилган ўқитиш муҳити:

- ўқиш ва тадқиқотларга кўмаклашади;
- турли тадқиқотлар олиб бориш учун материалларга эга бўлади;
- ижодкорлик қобилиятига рағбат беради;
- фикрлар ва ахборотлар алмашинувига имкон яратади;
- нутқий ривожлантиришни рағбатлантиради;
- маълумотларни мустақил олиш кўникмаларини шакллантиради;
- узлуксиз таълим олиш кўникмаларини ривожлантиради;
- турли усуллар билан маълумот олиш учун ресурсларни ўз ичига олади;
- маълумотномалар, луғатлар, энциклопедиялар, географик хариталар, тажриба ўтказиш учун турли асбоблар, материаллар билан ишлаш имкониятига эга бўлади.

Ўқув материали мазмуни, нимага ўргатилиши, таҳлили, мотивацияси, ўқитувчи, ўқувчини кетма-кетликдаги ҳаракатлари кўзда тутилади. Интерфаол дарсларни ташкил этиш босқичлари қуйдагича:

Ориентир. Ўйин иштирокчилари ва экспертларни тайёрлаш босқичи. Ўйин жараёнининг иш режаси ўқитувчи томонидан таклиф этилади. Ўқувчилар билан ҳамкорликда машғулотнинг мақсад ва вазифалари аниқланади. Ўқув жараёни муаммосини шакллантириш. Ўқув жараёнида кечадиган иммитация, ўйин қоидалари, умумишнинг бориши айтилади, ўқувчига ўқув жараёни материали пакети тарқалади.

Ўқув жараёнига боришига тайёргарлик. Ўқув материаллари, вазиятлар, инструкция ва бошқа пакет ҳужжатлари билан танишиш. Ўйин қоидалари таблоси тузилади. Унга ўйин сценарийси, ўйин вазифалари, қоидалари, ўйин кетма-кетлиги, олинadиган акс эттирилади. Ўйинни бориш жараёни акс эттирилади. Ўйин жараёнини ўзгартириш, унга четдан аралаштириш ман этилади. Фақатгина жараёни олиб боришига айрим коррективларни киритиш мумкин. Ўйин белгиланганда ўқитувчи унга аралашмайди, уни кузатиб, бошқариб боради.

Ўтказилган ўйин муҳокамаси. Ўтказилган ўйин жараёнини таҳлил этиш,

муҳокама этиш, баҳолашдан иборат. Ўқитувчи якуний муҳокамани ўтказди. Муҳокамада иштирокчи ва экспертлар фикр алмашадилар, ўз позицияларини ҳимоя қиладилар, таассуротларни туғилган муаммо фикрларини билдиради.

Интерфаол дарсларни ўтказишнинг кўйидаги қоидаларини билиб, ўзлаштириб, амалга киритиши керак.

Биринчидан: Интерфаол машғулотларга барча иштирокчилари (ўқувчилар) жалб этилиши талаб этилади. Бунда шундай технологиялар танланиши керакки, иш жараёнида барча иштирокчиларнинг иштироқи ёки муҳокамаси таъминлансин.

Иккинчидан: Машғулотга иштирок этишни психологик тайёрлаш зарур. Дарсда иштирок этувчилар жараёнга киришиб кетишга тайёр эмаслигини ҳисобга олмоқ керак. Янги ташкил этилаётган интерфаол дарсларда улардаги ҳадиксираш, тортинчоқлик, индамаслик ҳолатлари дарснинг фаол кечиши, ички имкониятларни ишга солишга тўсқинлик қилиш кузатилади.

Учинчидан: Ўқувчиларни янги технологияларни кўплаб жорий этиш билан толиқтирмаслик. Иштирокчилар имконияти, янги технология сифати бир-бирига мос келгани маъқул. Бир гуруҳда иштирокчилар сони 30 кишидан ошиб кетмаслиги керак. Шундай шароитдагина кичик гуруҳларда ишлаш, фикрни эркин баён этиш, муаммоларнинг ечимини топиш осон кечади.

Тўртинчидан; Машғулот олиб бориладиган хоналарни тайёрлашга алоҳида эътибор бериш керак. Синф шундай тайёрланиши керакки, кичик ва катта гуруҳ билан ишланганда, улар эркин ҳаракатлансинлар. Бошқача айтганда ўқувчига қулай муҳит яратилиши керак. Айниқса, ўқувчиларни бир-бири билан мулоқотда бўйин эгиб ўтириши ноқулайлик келтириб чиқаради. Столларни 4-6 кишилик қилиб қўйиш, гуруҳ аъзоларининг бир-бирларига қараб ўтириши, кўриб, фикрлашувга қулай муҳит яратилиши яхши натижалар беради.

Бешинчидан: Ишчанлик ўйинларини олиб боришдан олдин унинг регламенти, кетма-кетлигига риоя қилиш керак. Унга қатъий риоя қилишни олдиндан келишиб олган маъқул. Ҳар бир иштирокчи ҳар қандай фикрлаш, нуқтаи назарга чидамли бўлиши, охиригача эшитиши, танқид қилмаслиги керак. Ҳар бир иштирокчининг сўз эркинлигига ҳурмат билан қараш, шахс ҳурматини сақлаш.

Олтинчидан: Иштирокчиларнинг гуруҳларга бўлинишларига диққат-эътибор билан қараш. Аввало гуруҳларни шакллантириш эркин, хоҳиш истақлар асосида кечгани маъқул. Кейинчалик гуруҳларни тасодифий шакллантиришга ўтилгани маъқул.

Ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолиятини гуруҳли ташкил этишда куйидаги элементлар ҳисобга олинмоғи зарур: Ўқувчиларни гуруҳда ишлашга тайёрлаш, ўқув топшириқларини аниқ қўллаш, гуруҳда ишлаш, гуруҳда ишлаш бўйича тушунча бериш, регламент ўрнатиш.

1. Ўқув топшириқларни бажариш бўйича режа тузиш, муҳокама этиш. Уни ҳал этиш ёълларини аниқлаш ва ишни олиб бориш бўйича ўзаро вазифаларни тақсимлаш.

2. Ўқув топшириқларини бажариш бўйича ишни ташкил эта олиш.

3. Гуруҳдаги ишни ташкил этишда иш жараёни ва аъзолар иш жараёнини кузатиш ва зарур ҳолатларда ёрдамга келиш.

4. Гуруҳда топшириқларни бажариш жараёнида ўзаро текширув ва назорат олиб боришни йўлга қўйиш.

5. Гуруҳларда топшириқларни бажариш натижалари бўйича ахборот бериш, синфда мунозаралар ўтказиш, иш жараёнининг боришига қўшимча ва тузатишлар киритиб бериш. Ўқитувчи томонидан ишнинг натижалари бўйича хулосалар чиқариш ва яқун яшаш.

6. Ҳар бир гуруҳнинг иш натижаларига, синф ишига таҳлилий баҳолар бериш. Манбалар дарслик билан ишлаш, маълумотнома, луғат, қомус,

тавсиянома, матнлар кўринишида бўлиши мумкин. Ундан ташқари индивидуал масалалар, мисоллар ечиш, баёнлар, иншолар, рефератлар, маъруза шахсий топшириқлар асосида иш ташкил этилади.

Кўпчилик педагогик адабиёт, қўлланма, амалиётларда ўқувчилар топшириқларини индивидуал бошқаришнинг икки шакли келтирилади. Биринчи талаб: Синф бўйича берилган топшириқни бир ўқувчи билан мулоқотга киришмай яқка тартибда бажаради. Ишни бажариш учун барчага бирдек вақт белгиланади. Иккинчи талаб: Индивидуалаштирилган топшириқлар ўқувчининг тайёргарлик даражаси, қизиқишлари, имкониятларига мослашган ҳолда берилади. Уларнинг шахсий ривожлантиришларига имконият яратилади. Ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолиятларини индивидуал ташкил этишнинг энг самарали шакли ўқувчига шахсий ривожлантирувчи табақалашган топшириқларни бериш асосида яқши натижалар олиш мумкинлиги. Индивидуал иш ташкил этилганда ҳар бир ўқувчининг топшириқларини бажаришга қўшаётган ҳиссаларини кузатиш, зарур ҳолларда уларга ёрдам кўрсатиш асосида натижалар олиш мумкин. Хулоса қилиб айтганда, интерфаол усулда ўтилган дарсларда ўқувчи фақат таълим мазмунини ўзлаштирибгина қолмай, балки ўзининг танқидий ва мантиқий фикрлашини ҳам ривожлантиради.

1.2 Бошланғич синфларда интерфаол методларни қўллашнинг мавжуд ҳолати

Бизнинг бош мақсадимиз бўлган ўзбек моделини амалга оширишда иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий, маърифий йуналишлардаги ислохотларни амалга оширишда демократик, фуқоролик, жамиятимизнинг таркибий қисмларини ташкил этувчи эркин шахс тарбияси, унинг мустақил тафаккурини узлуксиз таълимнинг дастлабки босқичларидан шакллантириб бориш фуқоролик жамиятининг асосий талабларидан биридир.

Айнан, ўқув фаолияти орқали ўқувчиларнинг таълим мазмунини эгаллаши даражаси асосида, яъни мамлакатимизда қабул қилинган ДТС доирасида шахс дунёқараши, тафаккури шаклланади, ижтимоий тузумга онгли муносабати таркиб топади. Демак, таълим мазмунини чуқур ўзлаштиришни мустақил тафаккурини шакллантирувчи омил деб қараймиз. Ушбу нуқтаи назардан ўқув фаолиятини интерфаол методлар асосида ташкил этиш нафақат ўқув жараёнининг самарадорлигини ошириш бўлиб қолмай, балки ижтимоий зарурат талабидан келиб чиққан ҳолда демократик, фуқоролик жамиятининг фаол иштирокчисини шакллантирувчи омил бўлиб хизмат қилади. Демак, таълим жараёни асосида бола шахсининг эркин тафаккурини шакллантириш ва ижтимоий ҳаётга тайёрлаш ҳар бир педагогнинг диққат эътиборида бўлиши лозим.

Маълумки, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да ҳам таълим тизимиغا илғор педагогик технологияларни жорий қилиш, уларни ҳар томонлама ўзлаштириш зарурлиги кўп карра такрорланади. Умуман олганда бу иборанинг лексикологиямизга кириб келганига кўп фурсат бўлгани ҳам йўқ. Шу ўринда қуйдаги саволлар туғилиши табиий ҳол. Педагогик технологиянинг мазмуни нима? Педагогик ва умуман таълим жараёнига қандай алоқаси бор?

Бу саволларга қуйидагича жавоб берилади: Таълимга технологик ёндашув-таълим мазмунини ҳар томонлама таҳлил қилиш орқали таълим-тарбия жараёнининг умумий (таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи) ва хусусий (муайян фанларнинг мазмунини ўзлаштириш билан боғлиқ) мақсадларини таҳлил қилиш, ўқитувчи ва ўқувчи мақсадлари учрашган нуқталарда (идентив ўқув мақсади) таълимнинг дидактик мақсадларини аниқлаш йўли билан таълимни комплекс лойиҳалаш, илмий асосланган лойиҳага кўра кўзланган натижага қафолатланган эришишдир.

Мактабларда педагоглар билан ўтказилган мулоқотлар шундан далолат берадики, уларнинг аксарияти замонавий педагогик технологияларни бир томонлама англайдилар, кўпинча уни «янги методик жараён» деб ҳисоблайдилар. Тўғри, таълим технологиясида ўқув–тарбия жараёнини методик таъминлашга катта имкониятлар бор. Педагогик технологияларни кўллаш орқали ўқитувчиларнинг методик маҳоратини ошириш масаласининг бир томони холос. Кенг маънода эса ўқув–тарбия жараёнининг яхлит тарзда, мазмунли амалга ошириш техникаси, унинг пировард натижалари самарадорлигини белгиловчи омил, ўқитувчи, кадрларни маҳоратга, самарали меҳнат қилишга етакловчи йўлдир.

Педагогик жараёнда муайян мавзу, фан асосларидан ўқувчиларга кўникма даражасида тез ва қулай билим бериш ҳам таълим технологиясини муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Бунда ўқитувчи маҳорати ҳам муҳим роль ўйнайди. Ўқитувчи маҳоратига тўрт йўл билан эришилади: Биринчидан, ижодкорлик, изланиш, ўз фаолиятини таҳлил қилиш, қиёслаш, йўл қўйган услубий камчиликларни танқидий баҳолаб, уларни бартараф этиш, ўз иш фаолиятини янада такомиллаштириш устида тинимсиз ишлаш, пировард натижада ўз фаолиятининг мукамал, ўзига хос шакл ва услубини белгилаб олиш орқали. Иккинчидан, илғор ҳамкасблари иш тажрибаларини қунт билан ўрганиш, ўз шароити ва имкониятидан келиб чиқиб, уларни амалиётга тадбиқ этиш ва такомиллаштириб бориш орқали. Учунчидан, хорижий педагогик тажрибаларни ижодий ўрганиш орқали. Тўртинчидан, республикамизда ва хорижий мамлакатларда чоп этилаётган педагогик технологиялар ва методик янгиликларни узлуксиз тарзда кузатиб бориш орқали.

Ҳозирги замон таълимида бу тўрт омилни сидқидилдан бажармай туриб, ўқитувчи ўз фаолиятида арзигулик ютуқларга эришмоғи амри маҳол. Шу боисдан ҳам кейинги йилларда вазирлик томонидан ўқитувчининг ҳам илмий, ҳам методик, ҳам таълим технологияси талабларини ўрганиб олишларига ёрдамлашиш мақсадида бир қатор амалий услубий ишлар

қилинмоқда. Бугунги кунда халқ таълими вазирлигининг бевосита мутахасислигидаги илмий-услубий журнал, газеталар педагог, ходимларга янги педагогик технологиялар моҳиятини тушунтириш бўйича методик ёрдам бермоқда. Республика миқёсида кўплаб семинар-тренинглар ўтказилмоқда.

Шу ўринда педагогик технологияларнинг аҳамияти тўғрисида бир неча саволлар туғилади.

1. Нега таълим замонавий педагогик технологияларга асосланиши лозим?
2. Нима учун анъанавий ўқитиш методикаси замон талабларига жавоб бермайди?
3. Замонавий таълимдаги ечилмаётган муаммолар фақат анъанавий методиканинг камчилигимиди?

Бу каби табиий саволларга атрофлича жавоб бериш мақсадида замонавий методиканинг асосини ифодаловчи қуйидаги фикрларга эътибор берайлик. Таълим мазмунидаги узлуксизликни таъминлаш таълимнинг мақсад, мазмун, метод, восита, шакл ва унинг жараёнлари каби таркибий қисмлари орасидаги узвийликка боғлиқ. Чунки, таълимда ҳар бир фанни ўрганиш мақсади (нима учун ўқитиш керак?) дан келиб чиқувчи ўқув дастури ва ДТС талабларига мос ўқув мазмуни танланади. Таълим мазмуни (нимани ўқитиш керак?) ўзлаштириш учун эса қулай бўлган методлар танланади. Танланган методлар (кимни ва қандай ўқитиш керак?) ёрдамида мазмун эгалланади. Сўнгра таълим учун тайёрланган воситалар (кўргазмалар ва техник воситалар) ва таълим жараёни, унга етарли даражада мос унинг машғулот шакли танланади.

Фан ва техниканинг, жумладан, педагогика, психология, методика фанларининг ривожланиши таълим мазмуни ва унинг методларига янги талабларни қўяверади, яъни бу ривожланиш муаммоларни келтириб

чиқаради. Таълим мазмуни жамият талабига жавоб бермай тез-тез эскириб қоладиган ҳолатлар ҳам кўп учрайди.

Анъанавий методикада ўқувчи шахсининг ривожланишини ҳисобга олган ҳолда билимини кўникмага ундан эса малакагача ривожланишини таъминловчи механизм яратилмаган. Ўқитувчи ўқувчига асосан ахборот берувчи манба ҳисобланади, яъни билим олишда: ахборотларни тўплаш ва қайта ишлаш: ўрганилган ахборотларни амалда қўллаш билишнинг 3 та босқичдан иборат моделига риоя қилавермайди. Дарс жараёнида олинган билим кейинги поғанага яъни фаоллашув поғонасига кўтарилмайди. Анъанавий методикада яратилган жуда кўп тавсия ва назариялар амалда қўлланилмайди ёки қўллашга ноқулай. Шу боисдан таълимда юзакичиликка йўл қўйилади. Таълим жараёнида мақсад, мазмун, метод, восита ва шакл орасида зиддиятлар эса таълим самарадорлигига эришишда асосий тўсиқ бўлмоқда.

Хўш, таълим жараёни олдида қўйилган мақсадга тўлақонли эришиш учун авваламбор, нималарни эътибордан четда қолдирмаслигимиз даркор?

Бу саволга жавобни излашда, биз Р. Мавлонованинг бу борадаги қуйдаги фикрларини келтиришни жоиз деб билдик: Республикамизда таълим жараёнини самарали ташкил этиш масаласи бўйича изланишда ўқитишнинг янги усуллари аста-секин мустақкам ўрин олмоқда. Бундай усулларга муаммоли вазиятни ташкил этиш, гуруҳлар билан ишлаш каби усуларни киритишимиз мумкин. Лекин ўқитишнинг янги усуллари асосан мактабнинг юқори синфларида самарали қўлланиб келинмоқда. Хўш, бошланғич таълимда нималар бўлаётир?

Бошланғич мактаб ҳар қандай ҳолда ҳам ўқувчиларда билимларни шакллантиришда ва уларнинг қобилиятларини аниқлашда асосий роль ўйнайди ва ундан кейин ҳам шундай бўлиши керак. Аммо бошланғич мактабдаги барча ўқитувчилар болаларнинг қобилиятларини аниқлаш ва

ривожлантириш учун тегишли ишларни амалга ошираётirmi? Масалан, нима учун юқори синфларда аъло баҳога ўзлаштирадиган болалар сони камайиб бормоқда? Мактабни битта ёки иккита ўқувчи олтин медаль билан битиришини қандай тушуниш керак? Истеъдодли, қобилиятли болалар йўқми ёки ўқитиш жараёни шунчалик самарасиз бўлиб қолганми? Буларнинг сабаби нима? Сабаби кўп.

Биринчидан, бошланғич синф ўқитувчиси болалар билан индивидуал иш олиб бориш имконияти чекланган. Синфларда бўш ўзлаштирадиган ўқувчиларга алоҳида эътибор бериш зарур.

Иккинчидан, мазкур ўқитувчиларнинг методик савияси етарли эмас. Синфдаги умумий ишлар жараёнида қобилиятли болаларнинг ижодий имкониятлари чекланиб қолмоқда. Улар ўз қобилиятларини кўрсата олмаётир. Ўқитувчи кучи ва эътибори бутун синфга қаратилиб, қобилиятли болалар кўзга ташланмаётир. Умумий айтганда, хусусан болаларни саралаш ва ўқитишга бошқача ёндошиш билан уларнинг ижодий қобилиятларини рўёбга чиқариш керак.

Анаъанавий дарс ўтиш жараёнида кўпроқ маъруза, савол-жавоб, амалий машқ каби методлар фойдаланилади. Шу сабабли бу ҳолларда анаъанавий дарс самарадорлиги анча паст бўлиб, ўқувчилар таълим жараёнинг пассив иштирокчисига айланиб қоладилар. Болаларда бетиним жиддий дарс беравериш, устма-уст назарий билимлар, қоидалар билан қуроллантиравериш уларни ўқишдан бездириб қўяди. Кичик мактаб ёшидаги болаларида бундай ҳол кўп учрайди.

Бунинг олдини олиш учун нима қилиш керак? Анаъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда дарс жараёни оқилона ташкил этилиши, ўқитувчи томонидан ўқувчиларнинг билим олишга бўлган қизиқишларини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллиги муттасил ривожлантириб турилиши, ўқув мавзунини кичик-кичик бўлақларга бўлиб уларнинг мазмунини

очишда баҳс-мунозара, ақлий хужум, кичик гуруҳларда ишлаш, ролли ўйинлар каби интерфаол методларини қўллаш, ранг-баранг қизиқтирувчи мисоллар келтириш, ўқувчиларни амалий машғулотларни мустақил бажаришга ундаш, ҳар хил баҳолаш усуллари ва таълим воситаларидан жойида ва ўз вақтида фойдаланиш талаб этилади.

Педагогик технологиянинг кенг миқёсда таълим жараёнига тадбиқ этилаётганлигининг боиси шундаки, унда ўқув мақсадларига гаровли эришилади. Технологик ёндашувнинг энг аввало юзакчиликлари эмас, балки режалаштирилган натижани амалга ошириш имконини берувчи самарали ёндашув эканлигини англаган ўқитувчилар уни ўз фаолиятларига тадбиқ этмоқдалар.

Анъанавий ўқув жараёнида асосий омил-педагог (ва унинг фаолияти) ҳисобланса, педагогик технологияда биринчи ўринда ўқиш жараёнидаги ўқувчилар фаолияти қўйилади. Бу эса ўқувчининг нафақат таълим жараёни объекти, балки уни таълим жараёнининг фаол субъекти сифатида намоён бўлишига имкон беради.

Президентимиз И.А Каримов миллий мафкура масалаларига тўхталар экан, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат, зарурлигини уқтиради ва ўқитиш эркин фикрли кишиларни тарбиялашга қаратилган бўлиши, бу ислоҳатларни амалга оширишда замонавий педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш лозимлигини таъкидлаб ўтади.

Ўсиб келаётган ёш авлодда мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантириш, соғлом ва баркамол насли тарбиялаб этиштириш мураббийларнинг муҳим бурчидир. Чунки мустақил фикрловчи ўқувчиларгина келажакда ҳар томонлама етук, баркамол инсонлар бўлиб етишиб, мустақил республикамизни илғор жаҳон давлатлари қаторига олиб чиқадилар. Шу ўринда 3.Нишонловнинг «Мустақил фикрлашга ўргатиш» номли мақоласидаги қуйидаги фикрларни келтириб ўтиш ўринлидир:

Ҳозирги давр ўқитиш тизими ҳам кўпроқ хотирани ривожлантиришга қаратилган. Бироқ айрим ўқитувчиларда бугун бир мавзунинг тушунтириб, тайёр ҳолда ўқувчиларга етказиб бериб, эртасига шу мавзунинг мазмунини сўраши ёки шеърни ёд олишга бериш ҳоллари кўпроқ учрайди. Бундай дарсда ҳеч қандай муаммоли вазият яратилмайди ва бунинг натижасида ўқувчиларнинг мустақил фикрлашига имкон берилмайди. Ўқитувчиларнинг ўзлари ўқувчиларнинг мустақил фикр юрита олмаслигини билишади. Лекин қандай қилиб ўқувчида мустақил фикр юритиш қобилиятини шакллантириш мумкин? - деб берилган саволга жавоб беришга қийналадилар.

Ж.Толипованинг фикрича: Фикр-бу инсоннинг фаолияти, иқтидор, қудрати ва билимини намоён этадиган маънавий, ахлоқий, инсоний сифатидир. Фикр ривожини жамият ижтимоий, иқтисодий тараққиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлганлиги учун, ўқувчиларнинг келгусида жамиятда ўз ўрнини тўғри топиши, ижодий ва ижтимоий фаол бўлишини назарда тутган ҳолда ўқитиш жараёнида уларнинг мустақил ва ижодий фикр юритиш кўникмаларини ривожлантириш зарурдир.

Айни кунда республикамиз таълим фидоийлари дарс беришнинг ўқувчиларни мустақил фикрлашга ундовчи усул ва услубларини жорий қилишмоқда. «Ақлий ҳужум», «Музёра», «Интервью», «Дебат», «Баҳс-мунозара», «Гуруҳларга бўлиб ишлаш», «Интерфаол», «Кластер», «Чигил ёзди», «Конференция», «Семинар» каби кўплаб дарс бериш усуллари бугунги кунда ўқитувчиларимиз томонидан самарали қўлланиб келинмоқда.

Аммо шундай муаммолар борки, айрим ўқитувчилар томонидан бу усуллар нотўғри ва самарасиз фойдаланилаёпти. Кузатишлар шуни кўрсатадики, бугунги кунда ўз касбини, қолаверса, ўз мутахассислигини билмайдиган ўқитувчиларга бу усуллар жуда маъқул бўлмоқда. «Янги педагогик технологиянинг талаби шу», «ўқувчиларни мустақил ўқишга ва

фикрлашга ўргатаймиз» деган баҳоналарда дарсга тайёргарликсиз келадиган ўқитувчилар ҳам анчагина.

Биз ўқитувчи болаларга замонавий билим бериши керак!- деб кўп таъкидлаймиз. Аммо замонавий билим бериш учун аввало мураббийнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши даркор. Ушбу фикр Президентимиз томонидан ҳам бир неча бор таъкидланган. Таълим-тарбия тизимини ўзгартиришда асосий муаммо ҳам шунда. Ўқитувчи қайси мавзунини қайси дарс ўтиш усули ва услубларидан фойдаланган ҳолда ўргатишни олдиндан режалаштирмоғи лозим. Ҳар бир дарсни қайси усул ва услублардан фойдаланган ҳолда олиб борса, самарали бўлишини аниқ билиши керак. Ахир ҳар қандай дарсни ҳам мустақил ўқиш ва айтиб бериш орқали ўрганиб бўлмайдику. Шу жойда яна бир оғир саволга дуч келамиз: Болалар қайси синфдан бошлаб мустақил фикр юрита бошлайдилар? Умуман, мактабда мустақил фикрлашга ўргатиладими? Ўқувчилар фикрини аниқ қилиб ўқувчига етказиб бера олмайди, биллади-ю шуни ўқитувчига айтишдан кўрқади. Биз мана шу масалага жиддийроқ ёндашмоғимиз даркор. Хўш, замонавий бошланғич таълимнинг ўзи нимадан иборат бўлиши керак?

Бошланғич таълим концепциясида бошланғич таълимнинг мақсад ва вазифалари аниқ белгилаб берилган. Чунончи: болаларнинг онги ва тафаккурида мавжуд бўлган яширин имкониятларни аниқлаш ва ривожлантириш кичик мактаб ёшидаги болаларда таълимнинг дастлабки давридан бошлаб янги имкониятларни ўқув материални муваффақиятли ўзлаштиришигина эмас, балки ҳаётини муаммоларни ечишга ҳам тайёрлайди, ўқувчиларда ўрганиш ва таълим жараёнига бўлган қизиқишини оширади.

Биз бошланғич синфларда интерфаол методларни қўллашнинг мавжуд ҳолатини ўрганиш мақсадида, Термиз шаҳар 9-умумий ўрта таълим мактабида синов тажриба ишларини ташкил этдик. Синов-тажриба ишларини Математика дарсларини кузатиш билан бошладик. Биринчи навбатда

Математика дарслигидаги мавзулар асосида берилган мисол ва масалаларни таҳлил қилдик. Унга кўра: **1-синф** Математика дарслиги, М.Аҳмедов, Н.Абдурахмонова, М.Жумаевлар томонидан 7-нашр, “Турон иқбол” Тошкент-2013 йилда нашр қилинган. Дарсликда: Нарсаларнинг хоссалари, Бир хонали сонлар, 10 ичида қўшиш ва айриш, Килограмм, Литр, Кўпбурчаклар, Сантиметр, Юзлик, Метр, Қавслар каби бўлимлар берилган. Мисол ва масалалар ўқувчиларнинг ёшига мос, кўпроқ кўргазмали расмлар асосида ёритилган. **2-синф** Математика дарслиги, Н.Абдурахмонова, Л.Ўринбоевалар томонидан. “Ўзбекистон” НМИУ Тошкент-2012 йилда нашр қилинган. Дарсликда: 18 ичида бир хонали сонларни ўнлик орқали ўтиб қўшиш, 100 ичида сонларни хона орқали ўтиб қўшиш ва айриш, Тенглама, Кўпайтириш ва бўлиш, Жадвал ичида кўпайтириш ва бўлиш каби бўлимлардаги мавзулар асосида қизиқарли мисол ва масалалар берилган. **3-синф** Математика дарслиги, С.Бурхонов, Ў.Худоёров, Қ. Норқуловалар томонидан, “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядолик компанияси бош таҳририяти Тошкент-2012 йил нашр қилинган. Дарсликда: Минглик, 1000 ичида қўшиш ва айриш, 1000 ичида кўпайтириш ва бўлиш, Ёзма кўпайтириш ва бўлиш каби бўлимлар берилган. **4-синф** Математика Н.У.Бикбаева, Э.Янгабаева, К.М. Гирфанова 2-нашр, “Ўқитувчи” нашриёт-матбаа ижодий уйи Тошкент-2013 нашр қилинган. Дарсликда: Минглик, Кўп хонали сонлар, Тезлик, Вақт, Масофа, Кўпайтириш ва Бўлиш мавзусида мисол ва масалалар берилган. Дарсликлар таҳлил қилгандан сўнг бошланғич синф ўқитувчиларининг дарслари таҳлил қилинди.

Таҳлил сўнгида ўқитувчилар билан суҳбатлар ташкил қилинди. Суҳбат давомида ўқитувчиларнинг дарсларда педагогик технологияларни қўллашлари ҳамда ўқитувчиларнинг дарсларга тайёргарлик даражаларини аниқлаш мақсадида 15 нафар бошланғич синф ўқитувчиларига бу масала юзасидан “Сиз дарсларни қандай ташкил қиласиз?” анкета саволи билан мурожаат қилганимизда, жавоблар натижаси шуни кўрсатадики, бошланғич

синф ўқитувчиларининг 3 нафари яъни 20 % бу борада ижодий изланаётган эканлар, 6 нафари 40 % ўқитувчи таълим-тарбия жараёнини уюштиришда илғор тажрибалардан фойдаланади-ю, лекин яхши натижаларга эриша олмайди, бу унинг асл моҳиятини тушуниб етмаганлигидан далолат. 4 нафари 26 % ўқитувчи эса педагогик касбга тайёргарлик кўрган ва малака ошириш давридаги билимлари асосида таълим-тарбия жараёнини ташкил қилади, 2 нафари 14 % ўқитувчи фақат дарсликка таяниб иш кўришларини билдирдилар.

Миллий дастурни рўёбга чиқаришнинг 2-босқичида ўқув-тарбия жараёни юқори ўқув адабиётлари ва илғор педагогик технологиялар билан таъминланади, деб қатъий белгиланди, аммо мактаблардаги аҳволни ўрганиб чиқар эканмиз, бунинг аксини кўришимиз табиий. Воҳаланки, ўқитувчиларнинг ўзи ҳали педагогик технологиянинг мазмун-моҳияти, ўқитишнинг замонавий усуллари тўғрисида деярли тассавурга эга эмаслар. Шунини айтиб ўтиш жоизки, айниқса, қишлоқ мактабларида таълим-тарбия жараёни ҳамон анъанавий усулда олиб борилмоқда. Натижада кўпчилик ўқувчилар юқори синфларда дарс ўзлаштиришлари қийинлашмоқда.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, аввал мактаб раҳбарининг ўзлари илғор педагогик технологиялардан хабардор бўлишлари шартлигини айтиб ўтмоқчимиз. Ўқитувчилар дарсларини таҳлил қилганда янги дарс усуллари, унинг афзалликларининг атрофлича маъно-мазмунини очиб беришлари лозим. Ҳар бир мактабда илғор педагогик тажрибалар хонаси ёки алоҳида махсус шкафлар, столлар ташкил этилиши керак. Токи ҳар бир ўқитувчи шу жойдан ўзига керакли маълумотларни ола билсин. Бундан ташқари, ўқитувчига ўз устида ишлаши учун шароит яратиб бериш даркор. Тадқиқотлар кўрсатишича, фақатгина фикрлаш, мушоҳада қилиш йўли билан эгалланган билимгина хотирада сақланиб қолинар экан. Шу боисдан ўқитувчи фаоллигига асосланган анъанавий дарс ўтиш услубидан воз

кечилиб, замон талабларига жавоб берувчи ўқитишнинг замонавий усуларидан фойдаланишни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда.

II. БОБ. Бошланғич синфларда интерфаол методларни қўллашнинг шакл ва усуллари.

II.1. Бошланғич синф дарслари самарадорлигини таъминловчи интерфаол методлар.

Дидактик жараён босқичларини муайян кетма-кетликда қуриш ўқувчиларнинг билиш фаолиятини мавзу бўйича белгиланган мақсадларга мос ҳолда танланган ўқитиш методлари ёрдамида ташкил этиш демакдир. Ўқитиш методлари ўз моҳияти ва мазмунига кўра маълум педагогик назарияга асосланган у ёки бу таснифга тегишли бўлади. Уларнинг самарадорлиги тўғрисида фикр юритилганда ўқитиш жараёнини изга соладиган ва уни мақсадли йўналтира оладиган, ўқитувчи ва ўқувчи (талаба)нинг ҳамкорликдаги фаолиятини таъминлаш асосида жамият томонидан мактаб (касб-хунар коллежи, олий ўқув юртлири) олдига қўйилаётган мақсадга нечоғлик эришилаётганини кўзда тутиш керак. Ёхуд ўқитиш методлари бевосита таълим амалиёти билан алоқадор концепциядир. Ўқитиш методи дастлаб педагог онгида фаолиятнинг умумлашган лойиҳаси тарзида мавжуд бўлади. Бу лойиҳа амалиётга ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятларининг ўзаро туташуви текислигида, ўқитиш ва ўқишнинг аниқ ҳаракатлар, амаллар ёки усуллар мажмуаси сифатида жорий этилади. Методнинг бошқа намоён бўлиш шакллари йўқ, сабаби умумий ҳолда ўқитиш методи ўзида фаолиятнинг дидактик моделини ифода этади. Педагогик нашрларда ўқитиш методларини фаол ва суст гуруҳларга ажратиш

ҳоллари мавжуд. Агар ҳар бир метод белгиланган у ёки бу мақсадни ечишда ўз ўрнида ишлатилса, шубҳасиз, фаолдир. Педагогик технологиялар ҳам дарсада ўқувчилар фаоллигининг юқори даражасини таъминлаш асосида олдиндан белгиланган мақсадга эришишга қаратилади.

Таълимда интерфаол метод – бу ўқувчи билан ўқитувчи ўртасида таълимни ўзлаштириш муносабатларини кучайтириши, фаоллаштириш демакдир. Бугун фан, техника ва санъат жадал суръатлар билан ривожланаётган ҳамда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида, ижтимоий ҳолат ўзгараётган даврда мактабларда таълимни хусусан, бошланғич таълимни мазмун жиҳатидан янгича ўқитиш зарурат ва замон талабидир.

Бошланғич синф ўқитувчисининг технологик тайёргарлиги бошланғич синфларда педагогик технология элементларидан самарали фойдаланишни талаб қилади. Умумий ўрта таълим жараёнида фойдаланиладиган ва кенг тарқалган педагогик технологиялар қуйидагилар:

- Муаммоли ўқитиш технологияси;
- Ўйинли технологиялар;
- Танқидий фикрлашни ўстиришга хизмат қиладиган технологиялар;
- Ҳамкорликда ўқитиш технологиялари;
- Модулли технологиялар;
- Ўқитишнинг табақалаштирилган ва индивидуал технологияси;
- Ўқитишнинг жадаллаштириш технологияси;
- Программалаштирилган ўқитиш технологияси ва бир қанча технологиялардир. Қуйида баъзи интерфаол методларнинг вазифаси ва методикаси билан танишамиз: **“Ақлий ҳужум”**.



“Ақлий хужум” методининг моҳияти жамоа ҳамкорлиги асосида муаммони ечиш жараёнларини вақт бўйича бир қанча босқичларга (ғояларни генерациялаш, уларни танқидий ва конструктив ҳолатда ишлаб чиқиш) ажратишдан иборат.

Дарс жараёнида ақлий хужумдан мақсадли фойдаланиш ижодий, ностандарт тафаккурлашни ривожлантириш гарови ҳисобланади. “Ақлий хужум”ни уюштириш бир мунча содда бўлиб, ундан таълим мазмунини ўзгартириш жараёнида фойдаланиш билан биргаликда ишлаб чиқариш муаммоларининг ечимини топишда ҳам жуда қўл келади. Дастлаб гуруҳ йиғилади ва улар олдига муаммо қўйилади. Бу муаммо ечими тўғрисида барча иштирокчилар ўз фикрларини билдирадилар. Бу босқичда ҳеч кимнинг ўзга киши ғояларига хужум” қилиши ёки баҳолашига ҳаққи йўқ. Демак, “ақлий хужум” йўли билан қисқа минутларда ўнлаб ғояларни юзага чиқиш имкониятлари мавжуд бўлади. Аслини олганда ғоялар сонини қўлга киритиш асосий мақсад эмас, улар муаммо ечимини оқилона ишлаб чиқиш учунгина асос бўладилар. Бу метод шартларидан бири ҳеч қандай ташқи таъсирсиз катнашувчиларнинг ҳар бири фаол иштирокчи бўлиши керак. Билдирилган ғояларнинг беш ёки олтитасигина асосий ҳисобланиб муаммо ечимини топишга салоҳиятли имкониятлар яратади. Шундай қилиб, “ақлий хужум” қоидаларини қуйидагича белгилаш мумкин: олға сурилган ғоялар баҳоланмайди ва танқид остига олинмайди; иш сифатига эмас, сонига қаратилади, ғоялар қанча кўп бўлса шунча яхши; исталган ғояларни мумкин қадар кенгайтириш ва ривожлантиришга ҳаракат қилинади; муаммо ечимидан узоқ ғоялар ҳам қўллаб-қувватланади; барча ғоялар ёки уларнинг асосий мағзи (фаразлари) қайд этиш йўли билан ёзиб олинади; “хужум”ни ўтказиш вақти аниқланади ва унга риоя қилиниши шарт; бериладиган саволларга қисқача (асосланмаган) жавоблар бериш кўзда тутилиши керак.

Вазифаси. “Ақлий хужум” қийин вазиятлардан қутулиш чораларини

топишга, муаммони кўриш чегарасини кенгайтиришга, фикрлаш бир хиллилигини йўқотишга ва кенг доирада тафаккурлашга имкон беради. Энг асосийси, муаммони ечиш жараёнида курашиш муҳитидан ижодий ҳамкорлик кайфиятига ўтилади ва гуруҳ (синф) янада жипслашади. **Объекти.** қўлланиш мақсадига кўра бу метод универсал ҳисобланиб тадқиқотчиликда (янги муаммони ечишга имкон яратади), ўқитиш жараёнида (ўқув материалларини тезкор ўзлаштиришга қаратилади), ривожлантиришда (ўз-ўзини бир мунча самарали бошқариш асосида фаол фикрлашни шакллантиради) асқотади. **Қўлланиш усули.** “Ақлий ҳужум” иштирокчилари олдида қўйилган муаммо бўйича ҳар қандай мулоҳаза ва таклифларни билдиришлари мумкин. Айтилган фикрлар ёзиб борилди ва уларнинг муаллифлари ўз фикрларини қайтадан хотирасида тиклаш имкониятига эга бўлди. Метод самараси фикрлар хилма-хиллиги билан тавсифланди ва ҳужум давомида улар танқид қилинмайди, қайтадан ифодаланмайди. Ақлий ҳужум тугагач, муҳимлик жиҳатига кўра энг яхши таклифлар генерацияланади ва муаммони ечиш учун зарурлари танланади.

“Ажурли арра”¹



“Ажурли арра” методи тузилиш жиҳатидан ўзида қуйидаги босқичларни қамраб олади:

1.Топширикни бўлиш: Топширик ва матнли материаллар бир нечта асосий қисмларга (ёки мавзуларга) қирқилади. 2. Бирламчи гуруҳлар: Ҳар бир гуруҳ аъзолари қирқилган мавзунини оладилар ва экспертга айланалар. 3. Эксперт гуруҳлари: қўлида бир мавзуга оид ўқув топшириқлари мавжуд бўлган ўқувчилар мавзунини муҳокама қилиш, бошқаларга ўргатиш режасини эгаллагаш учун эксперт гуруҳга бирлашадилар. 4. Бирламчи гуруҳлар: Ўқувчилар ўзларининг бирламчи гуруҳларига қайтадилар ва эксперт гуруҳларда ўрганганларини ўқитишади.

¹ Ажур французча “ajour” с’зидан олинган бўлиб “бир ёқдан иккинчи ёққа ўтган, икки томони очик” маъносини англатади.

Изоҳ: “Ажурли арра” моҳиятига аниқлик киритиш учун баъзи бир тавсияларни ёритиш лозим. 1. Ўқитиш жараёнига бу тарзда ёндошилганда ўқувчиларнинг ҳамкорликда ишлашига ва қисқа вақт ичида катта ҳажмдаги ахборотларни ўзлаштиришларига имкон туғилади. 2. У ёки бу фаолиятни дарсда амалга ошириш учун ўқувчиларга бошланғич ахборотларни узатиш зарурати туғилса, маъруза ўрнини боса оладиган самарали инструментарий ҳисобланади. 3. Ўқитувчи мураккаб мазмунли мавзулар бўйича ўқувчиларни дарсга тайёрлаш учун олдиндан уларнинг ҳар бирига мўлжалланган алоҳида ахборотли пакет тайёрлайди. Унда дарсликдан, қўшимча тарзда газета, журнал, мақолалардан материаллар бўлиши керак. 4. Ҳар бир ўқувчи 2 гуруҳ таркибида иштирок этди: дастлаб “ўз уйи” (бирламчи) гуруҳига, кейин эса “эксперт” гуруҳига бирлашиб, ўқув элементларини мустақил ўрганишади. Эксперт гуруҳини тезда ташкил этиш учун ўқувчилар олган ахборотли пакетларда ҳар бир мавзуга оид материаллар бир хил рангдаги қоғозларга ёзилган ёки рангли қалам билан қоғознинг бирор бир бурчаги бўялгани маъқул. 5. Ҳар бир гуруҳда 3 тадан 5 тагача киши (ўқувчилар сонига қараб) бўлиши мумкин. Ҳар бир ўқувчи “ўз уйи” дагиларни ва қайта учрашиш жойини аниқлаб олиши керак. 6. Ўқитувчи ўқувчиларни “рангли” топшириқлар асосида гуруҳга бирлашишини таклиф этади ва улар алоҳида мавзулар бўйича экспертга айланади. Мисол учун, “қизил”ларни синф хонаси охирида, “кўк”ларни эса мактаб йўлакчасида учрашиши белгиланади. Ҳар бир эксперт гуруҳда 3 тадан кам ўқувчи бўлмаслиги керак. 7. Гуруҳларга ахборотли пакет тарқатилади. Ҳар қайси гуруҳ турли хил материаллар тўпламини олишлари ва уларни ўқиши, муҳокама қилиши, айнан шу ахборотлар бўйича экспертга айланиши лозим. Ўқув материаллари бўйича “эксперт” бўлиши учун ўқувчиларда вақт етарли бўлиши керак. Бу учун агар материаллар мураккаб ва катта бўлса, эҳтимол, бир дарс тўлиқ талаб қилинади. 8. Ўқувчиларга қуйидагича топшириқлар берилади: пакетдаги материалларни кунт билан ўрганинг ва муҳокама қилинг; бир-бирингиздан сўранг ва ўқув материалларини ҳар бирингиз тушуниб олганингизга ишонч

ҳосил қилинг; ўз “уйингиз” гуруҳини ўқитиш зарурлигини ҳисобга олиб материалнинг муҳим ўқув элементларига эътиборни қаратинг.

9. Ўқувчиларнинг ўз “уйларига” қайтишларини илтимос қилинг. Ҳар бири ўз “уйи”- гуруҳига ахборот беради. Шаксиз, “уй” гуруҳида эксперт гуруҳларидан биттадан ўқувчи бўлиш шарт. Ўқувчи ўрганиб келган материалларни ўз гуруҳи ўқувчиларига ўргатиш жавобгарлигини бўйнига олиш лозим. Бу жараён ўқув материалнинг ўзлаштириш зарурлигига қараб яна бир соат давом этиши мумкин.

10. Ўқувчилар бир-бирларидан ахборотларни ўрганишиб бўлишгач, ўқитувчи олдиндан режалаштирган фаолият турини ўтказиши мумкин.

“Мунозара”



Бу метод ёрдамида ўқувчиларга муайян муаммо бўйича тўлиқ ахборотлар етказилади, мунозара учун танланган мавзунини ўқувчилар аёвсиз “штурм” қиладилар ва пировард натижада муаммога тегишли маълумотларни атрофлича ўрганадилар

Мунозарани ўтказиш методикаси. 1. Мунозара олиб боровчи - бошловчи (ўқитувчи, журналист, бошлиқ ва ҳоказо) мавзунини олдиндан танлайди ва иштирокчиларни таклиф этади. 2. Бошловчи иштирокчиларга “ақлий ҳужум” топшириғини беради ва унинг қоидаларини тушунтиради: “ҳужум”дан мақсад - муаммо ечимига оид вариантларни мумкин қадар кўпроқ таклиф этиш; ўз ақл-идрокингизни марказлаштиришга ҳаракат қилинг ва диққатни муаммо ечимига қаратган ҳолда фикрлар билдиринг. Билдирилган ғоялар умумий фикрга зид бўлсада, ҳеч бири рад этилмайди; бошқа иштирокчилар ғояларини ҳам ривожлантиринг; таклиф этилганларни баҳолашга уринманг, бу иш билан сиз кейинроқ шуғулланасиз. 3. Бошловчи котибинини тайинлайди ва у юзага келган барча ғояларни ёзиб боради. Муҳокама вақтида сўзга чиқувчилар тартиби ўрнатилади, мунозарага барча иштирокчилар жалб

этилади ва уларга ўз фикрларини ифодалаш учун имкониятлар берилди. Агар бирор бир киши томонидан “ақлий ҳужум”ни ўтказиш қоидалари бузилса, бошловчи зудлик билан муҳокамага аралашади. Биринчи босқич янги ғоялар пайдо бўлгунча давом этаверади. 4. Бошловчи иштирокчиларнинг танқидий тафаккури “чархланиши” учун қисқача танаффус эълон қилади. Кейин иккинчи босқич бошланади. “Ақлий ҳужум” иштирокчилари гуруҳланади ва биринчи босқичда билдирган ғояларини мустаҳкамлайдилар. ғоялар гуруҳ бўйича бирлаштирилиб, муаллифлар уларни таҳлил қилишга киришдилар ва натижада ўртага қўйилган муаммонинг ечимига тегишли бўлган фикрларгина ажратиб олинади. Бошловчи мунозарага яқун ясайди.

Фсму технологияси.

Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда, баҳс мунозаралар ўтказишда ёки ўқув–семинари якунида (тингловчиларнинг ўқув семинари ҳақида фикрларини билиш мақсадида), ёки ўқув режаси асосида бирон бўлим ўрганиб бўлингач қўлланилиши мумкин, чунки бу технология тингловчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга, шу билан бир қаторда ўқувчи-талабаларни ўқув жараёнида эгаллаган билимларини таҳлил этишга, қай даражада эгаллаганликларини баҳолашга ҳамда тингловчиларни баҳслашиш маданиятига ўргатади. Фсму технологиясини ўтказиш босқичлари. **1 – босқич.** ўқитувчи тингловчилар билан бирга баҳс мавзусини ёки муҳокама этилиши керак бўлган муаммони ёки ўрганилган бўлимни белгилаб олади; ўқитувчи ўқув машғулотида аввал ҳар бир тингловчи якка тартибда ишлаши, кейин эса кичик гуруҳларда иш олиб борилиши ва ниҳоят дарс охирида жамоа бўлиб ишланиши ҳақида тингловчиларга маълумот беради; машғулот давомида ҳар бир тингловчи ўз фикрини эркин ҳолда тўлиқ баён этиши мумкин эканлиги эслатиб ўтилади.

2 – босқич: ҳар бир тингловчига ФСМУ технологиясининг 4 босқичи ёзилган қоғозлар тарқатилади:

Ф – фикрингизни баён этинг;

С – фикрингизнинг баёнига сабаб кўрсатинг;

М – кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол (далил) келтиринг;

У – фикрингизни умумлаштиринг.

Ҳар бир тингловчи якка тартибда тарқатилган қоғозни ФСМУ нинг 4 – босқичи бўйича ўз фикрларини ёзма баён этган ҳолда тўлатади.

3 – босқич: ҳар бир тингловчи ўз қоғозларини тўлатиб бўлгач, тренер уларни кичик гуруҳларга бўлинишларини илтимос қилади ёки ўзи турли гуруҳларга ажратиш усуллариининг биридан фойдаланган ҳолда тингловчиларни кичик гуруҳларга бўлиб юборади; ўқитувчи ҳар бир кичик гуруҳга ФСМУ технологиясининг 4 босқичи ёзилган катта форматдаги қоғозларни тарқатади; ўқитувчи кичик гуруҳларга ҳар бирлари ёзган қоғозлардаги фикр ва далилларни катта форматда умумлаштирган ҳолда 4 босқич бўйича ёзишларини таклиф этади.

4 – босқич: кичик гуруҳларда аввал ҳар бир тингловчи ўзи ёзган ҳар бир босқичдаги фикрлари билан гуруҳ аъзоларини таништириб ўтади. Гуруҳ аъзолариининг барча фикрлари ўрганилгач, кичик гуруҳ аъзолари уларни умумлаштиришга киришади; гуруҳ аъзолари ФСМУнинг 4 босқичини ҳар бири бўйича умумлаштириб, уни ҳимоя қилишга тайёргарлик кўрадилар; фикрларни умумлаштириш вақтида ҳар бир тингловчи ўз фикрларини ҳимоя этиши, исботлаши мумкин.

5 – босқич: кичик гуруҳлар умумлаштирилган фикрларини ҳимоя қиладилар: гуруҳ вакили ҳар бир босқични алоҳида ўқийди (иложи борича изоҳ бермаган

ҳолда). Баъзи бўлимларни исботлаши, яъни гуруҳнинг айнан нима учун шу фикрга келганини айтиб ўтиши мумкин.

6 – босқич: ўқитувчи машғулотга яқин ясайди, билдирилган фикрларга ўз муносабатини билдиради; қуйидаги саволлар билан тингловчиларга муурожаат қилади; ушбу тренинг ёрдамида нималарни билиб олдингиз ва нималарга ўргандингиз? Ушбу технологиянинг ўқув жараёнига қўлланилиши қандай самара берди? ушбу технологиянинг қўлланилиши талаба-ўқувчиларда қандай хислатларни тарбиялайди, нималарни шакллантиради, уларнинг қандай фазилатларини ривожлантиради? ушбу технологияни ўқув жараёнининг қайси босқичида қўллаш маъқул ва нима учун? ушбу технологиянинг дарс жараёнида қўлланилиши ўқувчи талабаларга нима беради ва нимага ўргатади? ушбу технологияни яна қандай тартибда ёки қандай шаклда ўтказиш мумкин? ушбу тренингда ўқитувчининг асосий вазифаси нимадан иборат.

ИЗОҲ: юқорида келтирилган саволлар ҳар бир тренингнинг мазмуни, мақсадидан келиб чиқиб тренер (ўқитувчи) томонидан тингловчиларга ёки талаба-ўқувчиларга берилиши мумкин. Тарқатма материалнинг тахминий нусхаси: **Фсму технологияси**

(Ф) – Фикрингизни баён этинг;

(С) – Фикрингиз баёнига бирон сабаб кўрсатинг;

(М) – Кўрсатилган сабабни тушунтирувчи (исботловчи) мисол келтиринг;

(У) – Фикрингизни умумлаштиринг.

“Кичик гуруҳларда ишлаш”.



Кичик гуруҳларда ишлаш ўқувчиларнинг дарсда фаоллигини таъминлайди, ҳар бири учун мунозарада қатнашиш ҳуқуқини беради, бир-биридан синфда ўрганишга имкони туғилди, бошқалар фикрини қадрлашга ўргатади.

Қўлланиш усули. 1. Фаолиятни танлаш. Мавзуга оид муаммо шундай танланадики, натижада ўқувчилар уни ўрганиш (бажариш) учун ижодий фаолият кўрсатишлари зарур бўлади ва вазифалар белгилаб олинади. 2. Зарурий асос яратиш. Ўқувчилар кичик гуруҳ ишида қатнашишлари учун танланган фаолият бўйича баъзи билим, кўникма ва малакаларни олдиндан эгаллаган бўлишлари керак. 3. Гуруҳни шакллантириш. Одатда ҳар бир гуруҳда 3-5 ўқувчи бўлади, (эхтимол, кам ёки кўп бўлиши мумкин). Агар гуруҳда ишлаш у ёки бу ёзма ҳужжат тайёрлашни талаб этса, яхшиси 2-3 кишили гуруҳ тузилгани маъқул. Гуруҳ ўлчови масаланинг муҳимлиги, синфдаги ўқувчилар сони, ўқувчиларнинг бир-бири билан конструктив ҳолатда ўзаро ҳаракатига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Энг яхшиси, “гетроген” гуруҳ ташкил этишидир. (жинси, ўзлаштириш даражаси ва бошқа белгилар асосида). Гуруҳда ишлаш ўқувчилар ўртасида вазифаларни аниқ тақсимлашга таянади. (Мисол учун, бир ўқувчи мунозарани бошқаради, иккинчиси ёзиб боради, учинчиси спикер (сардор) ролини ўтайди ва ҳоказо). Синфни гуруҳларга ажратиш, ҳоҳиш бўйича ёки ҳисоб бўйича амалга оширилади. 4. Аниқ йўл-йўриқлар кўрсатиш. Ўқувчиларга фаолиятни бажариш бўйича аниқ ва хажм жиҳатдан кўп бўлмаган тушунтириш берилади. Ўқитувчи гуруҳларининг ишлаш тезлиги турлича бўлишини инобатга олган ҳолда вақт чегарасини айтади. Гуруҳлар керакли материаллар ва ахборотлар билан таъминланади. Ўқувчилар гуруҳда ишни бошлашлари учун вазифаларини аниқ тушуниб етганлиги текшириб кўрилади. 5. Қўллаб қувватлаш ва йўналтириш. Ўқитувчи зарурат туғилса гуруҳлар ёнига навбатма-навбат келиб тўғри йўналишда ишлаётганлигини қайд этади ёки

уларга ёрдам беради, гуруҳларга таъзийқ ўтказилмайди. 6. Муҳокама қилиш ва баҳолаш. Гуруҳларда иш якунлангач, улар натижалари бўйича ахборот берадилар. Бунинг учун ҳар бир гуруҳ ўз сардорини белгилайди. Зарурат туғилса, фаолият натижалари бўйича билдирилган фикрлар ўқитувчи томонидан ёзилиб борилди. Муҳими, гуруҳнинг ечимининг асосланишини аниқлаштириб олишди. Агар вақт етарлича бўлса, у ёки бу фикрни аргументлашда гуруҳлар бир-бирига савол ҳам беришлари мумкин. Кичик гуруҳларда ишлаш натижалари ўқитувчи томонидан баҳоланади. Бунда фаолиятни тўғри ва аниқ бажариш, вақт сарфи асосий мезон ҳисобланади.

Қор бўрон методи

Иккига ажратилган гуруҳ ўқувчилари бир муаммо юзасидан энг кўп тўғри жавоблар топиш мақсадида биргаликда муҳокама юритишади. Ҳар бир тўғри жавоб юмалоқланган қор кўринишида ўша гуруҳ ҳисобига ёзиб қўйилади; тўпланган умумий баллар миқдори асосида гуруҳлар баҳоланади.

Асалари галаси методи

Муаммо битта гуруҳда ёки икки кичик гуруҳларда муҳокама қилинади. Бунда топшириқлар ҳар хил ёки бутун гуруҳга битта бўлиши мумкин. Гуруҳлар қўйилган муаммони маълум муддат муҳокама этиб, натижани бошқаларга маълум қилишади. Муаммо ечимининг энг яхши варианты танлаб олинади.

Синдикат методи

Гуруҳ учта кичик гуруҳларга бўлинади. Бунда таклиф этилаётган топшириқ уч хил нуқтаи назардан ҳал этилиш зарур. Масалан, уч ноъмалумли учта тенгламалар системасини ечиш топшириғи берилган бўлсин, у ҳолда биринчи гуруҳ масалани Гаусс, иккинчи гуруҳ Крамер, учинчи гуруҳ матрица усулидан фойдаланиб ечади. Сўнгра ечимлар биргаликда муҳокама этилиб, умумлаштирилади.

Аквариум методи

Гуруҳдан уч ўқувчи ажратиб олиниб уларга хона ўртасидаги стол атрофига ўтиришлари ва қўйилган муаммони ўн минут атрофида биргаликда муҳокама, қилишиб фикр билдиришлари сўралади. Бу уч ўқувчи аквариумдаги балиқларга қиёс. Атрофда ўтирган кузатувчилар ўртадаги талабаларнинг фикрларини диққат билан тинглаб, жавобларни тўғри ва нотўғрига ажратиб ёзиб боришади ҳамда муҳокама пайтида ўзларининг карашларини баён этишади. Етарли даражада фикр билдира олмаган ўртадаги ўқувчилар ўз ўринларини кучли фикр билдирган кузатувчи ўқувчиларга бўшатиб беришади. Ҳар бир муаммо юзасидан билдирилган фикрлар ўқувчилар иштирокида ўқитувчи томонидан умумлаштирилади.

Рақамли методлар

Гуруҳдаги талабаларнинг умумий сонидан келиб чиққан ҳолда 4x4x4, 5x5x5 ёки 6x6x6 методларининг биридан фойдаланилади. Масалан, 5x5x5 методида ҳар бири 5 талабадан иборат 5 та кичик гуруҳчалар ташкил этилиб, уларнинг 5 нафар сардорлари тўпланишиб қўйилган муаммони ҳамкорликда муҳокама этишади, сўнгра ўзларининг гуруҳларига қайтишиб шерикларига масаланинг ечимини ўргатишади.

Скарабей технологияси

“Скарабей” интерактив технология бўлиб, у ўқувчиларда фикрий боғлиқлик, мантиқ, хотиранинг ривожланишига имконият яратади, қандайдир муаммони ҳал қилишда ўз фикрини очиқ ва эркин ифодалаш маҳоратини шакллантиради. Мазкур технология талаба-ўқувчиларга мустақил равишда билимнинг сифати ва савиясини холис баҳолаш, ўрганилаётган мавзу ҳақида тушунча ва тасаввурларни аниқлаш имконини беради. У, айти пайтда турли ғояларни ифодалаш ҳамда улар орасидаги боғлиқликларни аниқлашга имкон яратади.

Веер технологияси

Бу технология мураккаб, кўп тармоқли, мумкин қадар муаммоли характердаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Технологиянинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир йўла ахборот берилади. Айти пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида нуқталардан муҳокама этилади. Масалан, ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари белгиланади.

Дельфи технологияси

Бу технологиянинг мазмуни жамоа бўлиб қўйилган муаммонинг муқобил ечимларини мақбуллик даражалари бўйича табақалаштириб, улардан ҳар бирининг муҳим ёки номуҳимлигини баҳолашдан, шу асосда энг яхши вариантни танлаб олишдан иборат. Масалан, ер майдонини плугда 15, 20, 25, 30, 35, 40, 45 см чуқурликда оғдариш мумкин бўлсин. Муайян олинган ер майдонини оғдаришда шу вариантлардан қайси бири энг яхши эканлигини аниқлаш учун улардан ҳар бири ерни ҳайдашга доир мавжуд агротехник факторлар асосида ўқитувчининг тренерлигида талаба-ўқувчилар томонидан баҳоланади. Бунда ҳар бир кичик гуруҳ ўзларининг вариантларини таклиф этишлари, сўнгра фикрлар умумлаштирилиб энг яхши вариант танлаб олиниши ҳам мумкин.

Т- жадвал технологияси

Бу технологиядан лекция дарслари ва амалий машғулотларнинг якуний қисмида фойдаланиш қулай. Бунда бир муаммони турли қарама-қарши нуқтаи назарлардан қаралади (ижобий ва салбий, афзаллик ва камчилик, фойда ва зарар, тўғри ва нотўғри). Масалан, ўқитувчи мавзу бўйича аралаштириб тузилган тўғри ва нотўғри жавобларни экранга чиқариб, бир партада ўтирган талаба-ўқувчиларга ҳамкорликда уларни жадвалга ажратиб ёзишларини, сўнгра ёзилган варақларини ёндош партадаги талаба-ўқувчилар билан алмаштириб қўшимчалар қилишларини таклиф этади. Иш якунлангач тўғри ва нотўғри жавоблар ажратиб ёзилган жадвал экранга чиқарилади.

Талаба-ўқувчилар ўзларининг жавобларини экрандаги жадвал билан таққослаб тегишли хулосаларга келишади.

Тўғри жавоблар	Нотўғри жавоблар
1.	1.

«Нима учун?» схемаси технологияси

Бу технологиядан шакллантирилган муаммо юзасидан «нима учун?» саволи қўйилиб унга ҳар бир талаба-ўқувчи ўзининг қарашларини, фикрларини ёзади. Асосий мақсад нотўғри бўлсада талаба-ўқувчиларнинг фикр билдиришларига, охир оқибатда тўғри хулосалар чиқаришларига эришишдан иборат. «Нима учун?» саволининг қўйилиши ва унга жавобларнинг ёзилиши муаммо ечими топилгунча давом этади. Дастлаб бир партада ёнма-ён ўтирган талаба-ўқувчилар, сўнгра кичик гуруҳ, охирида бутун гуруҳ ёзма жавоблари ҳамкорликда таққосланиб, такрорланувчи ва хато фикрлардан тозаланиб, бир умумий тўғри натижага келинади. Нотўғри жавоблар танқид остига олинмайди.



Инсерт технологияси

Бу технология ҳар бир талаба-ўқувчининг мавзуни тезкор ўқиб олдиндан олинган билимлари асосида матнга белгилар қўйиб чиқиб муносабат билдириш имконини беради. Маъруза матнидаги ҳар бир муҳим тушунчалар, фикрлар тўғрисида тегишли белгилар қўйиб чиқилиб, улардан қўйидаги жадвал тузилади:

Мавзунинг асосий тушунчалари ва таянч иборалари мазмуни	Биламан	Мен учун янги маълумот	Мен билган маълумотни инкор қилди	Мени ўйлантри б қўйди (тушунмадим)
	V	+	-	?
1. $A(x,y)$ - нукта	V			
2. $A(x)$ - тўғри чизикда, $A(x,y)$ - текисликдаги, $A(x,y,z)$ - фазодаги нукта				?
3. z - A нуктанинг апликатаси		+		
4. $x=0$ - тўғри чизикда нуктани, текисликда ордината ўқини, фазода (yOz) текисликни ифодалайди			-	

Биламан. Билишни хоҳлайман. Билиб олдим методи

Бу метод лекция дарслар учун қулай. Ўқитувчи мавзу бўйича асосий тушунчалар ва иборалар рўйхатини кодоскопга ўхшаш бирор техник восита ёрдамида талаба-ўқувчиларга тақдим этади. Талаба-ўқувчилар ўзлари биладиган ва билмайдиган тушунчалар ва иборалар билан намунадаги жадвални тўлдирадilar:

Биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим

Рўйхатга кирмаган, бироқ дарс жараёнида янгидан пайдо бўлган талаба учун нотаниш тушунча ва иборалар ҳам жадвалнинг иккинчи

устунига кўшимча равишда қайд этилиб борилади. Талаба-ўқувчининг асосий диққат эътибори жадвалнинг иккинчи устундаги билимларни эгаллашга қаратилади. Талаба-ўқувчи дарсни диққат билан тинглаб жадвалнинг иккинчи устундаги тушунча ва ибораларни билиб ва ёзиб олади ҳамда ўзлаштирган савол тўғрисидаги учинчи устунга «+» белги қўяди, бошқалари бўш туради. Агар дарс жараёнида иккинчи устундаги айрим тушунча ва иборалар ўрганилмасдан қолиб кетса, улар ўқитувчидан сўраб ёки мустақил равишда ўрганиб олинади. Бу усул талаба-ўқувчида билимларни ўзлаштириш бўйича ўз-ўзини назорат қилиш, дарсдаёқ тегишли маълумотларни эгаллаб олишга интилиш, ахборот ресурслари устида мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантиради.

Хулоса қилиб айтганда, педагогик амалиётда ўқитиш усуллари ва методларининг жуда катта бойлиги тўпланган. Уларни танлашда турли шароитлар, ўқитилаётган фаннинг характери, болаларнинг ёш хусусиятлари, олдинги тайёргарлиги ҳисобга олинади. Методларни танлаш ўқитувчи дарсда ҳал қилиниши мўлжалланган масалага боғлиқ бўлади. Чунончи, янги материални баён этишда бир хил методлар қўлланса, уни мустаҳкамлашда ва мазмунини умумлаштиришда яна бошқа хил методлар қўлланилади. Гарчи ҳар бир ўқитишнинг ишида анчагина усул ва методлар мавжуд бўлсада, уларни қўллашдан кўзланадиган мақсад тарбияланувчининг таълимий ишларини фаоллаштиришдир. Зотан, ўқиш-ўрганиш диққат эътиборни талаб қиладиган, мураккаб фаолиятдир ва унда ўткир ақл, мустаҳкам ирода, тиник тасаввур, кучли хотира зарур. Ўқитувчининг вазифаси самарали усул ва методлардан фойдаланиб ўқувчиларда ана шу сифатларни таркиб топтириш ва уларни қийинчиликларни енгишга ўргатишдир.

II.2. Бошланғич синф математика дарсларида интерфаол методлардан фойдаланиш усуллари.

Таълим самарадорлигини ошириш ва бошланғич синфларда интерфаол методларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятларининг тажриба-синов натижаларини таҳлил этиш мақсадида, биз Термиз шаҳар 9-умумий ўрта таълим мактабида тажриба синов ишларини таҳлил қилдик.

Тажриба-синовнинг мақсади: бошланғич синфларда интерфаол методларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятларининг ижтимоий-педагогик жиҳатлари билан таништириш. Бошланғич синфларда интерфаол методларни дарсларда фаол қўллашга ёрдам беришдир.

Тажриба-синовдан кутилган натижа: мазкур ишнинг бошланғич синф дарсларида интерфаол методларни қўллашда баъзи ўқитувчиларнинг айрим жиҳатларга тайёр эмаслиги, педагогик технологиялардан фойдаланиш даражаси сустлиги натижасида дарсларнинг самарадорлиги ва муаммоларни, бартараф этиш йўлларини билиши ва кўникмалардан хабардор бўлиш имконини беради.

Тажриба-синовни амалга ошириш технологияси: интерфаол методлар.

Шакл: кузатиш, суҳбат, кичик гуруҳларда ишларни амалга ошириш.

Метод: муаммоли таҳлил, оғзаки баён, Б,Б,Б, кластер, ақлий ҳужум.

Ҳозирги кундаги самарали технологиялар: савол-жавоб, тарқатма материаллар, анкета сўровномалари, мултимедия воситалари.

Назорат: гуруҳлараро оғзаки сўров, қиёсий таҳлил ўтказиш.

Баҳолаш: рағбатлантириш ва ўз-ўзини фаолиятли баҳолаш.

Тажриба-синовнинг бориши: уч босқичда амалга оширилди(1- таҳлилий босқич I.2-режада ёритилган). **2-босқич** (фаолиятли). Ҳар бир ўқитувчи билан педагогик технологиялар асосида суҳбатлар ташкил этилди. Уларнинг педагогик технологиялар ҳақидаги билимлари аниқланиб, ўз жавобларини қуйдагича изоҳлашди.

Биринчидан, технология грекча сўз бўлиб, **технос-** санъат, маҳорат, **логос-** таълимот деган маъноларни билдиради. Педагогик технология

натижани қўлга киритиш учун таълим доирасида зарур бўлган воситалар тизимини режалаштириш ва татбиқ этишдир.

Иккинчидан, дарсларда кўпроқ кичик гуруҳларда ишлаш, савол-жавоблар ўтказилади.

Учинчидан, дарсларда педагогик технологиялардан доимий равишда фойдаланиш ўқувчиларни дарсга қизиқишини ортириб таълим самарадорлигини оширади.

Бу жараёни ҳар бир ўқитувчи дарсларида қўллаб, доимий фаолиятда амалга оширишларини таъкидлаб, ўқитувчиларга қуйдагича **тавсиялар** берилди:

- ўқитувчилар педагогик технологиялардан самарали фойдаланиб бориши;
- таълимда интерфаол методларни қўллаш ҳақида ўқитувчилар ўртасида доимий тушунчалар бериб бориши;

- интерфаол методлар асосида ташкил этилган самарали дарсларни ўқитувчилар орасида оммалаштириш.

- педагогик технологиялар ҳақида ўқитувчилар билан суҳбат, учрашув ва турли танловлар ўтказилиб турилиши.

Шу тартибда барча бошланғич 2-3-4-синф ўқитувчилари ўзларининг жавоблари билан қатнашиб, фикрларини баён қилишди. Шундан сўнг, 1-“А” ва 1-“В” синфлари тажриба синов ишларини ўтказиш учун танлаб олинди. 1-“А”-синфи, тажриба гуруҳи, 1- “В”-синф эса назорат гуруҳига ажратилди. Биз, 1-“А”-синф, тажриба гуруҳида Интерфаол методлар асосида дарсларни ташкил этдик. Қуйида интерфаол асосида ташкил этилган бир соатлик дарс намунасини келтириб ўтамыз.

1-синф. Мавзу:Учинчи қўшилувчини топиш

Дарсинг мақсади:

Таълимий мақсад: Ўқувчиларда математика фанини ўрганишга нисбатан билиминини ошириш. Янги билимларни фаоллаштириш учун турли усуллардан фойдаланиш.

Тарбиявий мақсад: Ўқувчиларда ўзаро хурмат, ҳамкорлик, фаоллик туйғусини шакллантириш асосида миллий қадриятларга меҳр-мурувват руҳини уйғотиш.

Ривожлантирувчи мақсад: Тафаккур, хотира, идрок машқ орқали математика фанига ўқувчиларнинг қизиқишини ошириш, мулоқот маданиятини ўргатиш.

Дарснинг тури: Аралаш.

Дарс жихози: Дарслик, макет, картон, плакатлар, дидактик материаллар, карточкалар.

Дарс тури: Янги билим берувчи

Кутилаётган натижа: Ўқувчиларда қўшилувчилар ва йиғинди тушунчалари ҳамда уларнинг бир-бирига боғланиши бўйича билим, кўникма ва малакаларга эга бўладилар.

Дарснинг бориши: Ташкилий қисм.

Синфга кириш ўқувчилар билан саломлашиш. Навбатчи орқали давоматни аниқлаш. Навбатчи ва хона холатини назорат қилиш. Ўқувчиларнинг дарсга тайёргарлигини текшириш.

Маънавий дақиқа. “Юртим жамоли”. Республикада амалга оширилаётган ишлар, имкониятлар ҳақида гапирилади. Республика вилоятларини санайман. Йил фаслларида мамлакатимиздаги ўзгаришларни бирма-бир айтиб ўтаман.

Ўқитувчи: Азиз болажонлар, ҳозир дарсимиз нима?

Ўқувчилар: Математика фанлар ичида шох, унинг сирларидан бўлингиз огоҳ.

Ўқитувчи: қани, бу ҳақда математика дарслигимиз нима дер экан.

Шахзод: Математика китоби.

Менинг ишим хисоб- китоб, ҳамда бериш нур-у офтоб,

Бўлмай қолсам агар бир кун, дунё бўлар зим-зиё тун.

Умида: Ўрган мени эрта-ю кеч, ёмон баҳо бўлмасин ҳеч,

Ким билса мени аъло, у билимли ҳамда доно.

Ўқитувчи: Касб ҳақида тушунча бериш. Дарсимизни бошлашдан олдин Б,Б,Б жадвалининг “Биламиз”, “Билишни хоҳлаймиз” деган устунини тўлдирамиз.

Б. Биламиз	Б.Билишни хоҳлаймиз	Б.Билиб олдик.
Сонлар.	Расм асосида масала тузиш.	
100 ичида қўшиш	Метр(м), дм, см	
Натурал сонлар.	Қўшиш ва айириш.	
100 ичида қўшиш	Мисол ва масала ечиш.	
Кесма	Учбурчак, тўртбурчак, айлана.	

Ўқитувчи: Б.Б.Б жадвалимизнинг кейинги қисмини дарсимиз якунида тўлдирамиз.

Ўқитувчи: Азиз болажонлар, ҳозир қандай фасл ?

Ўқувчилар: Ҳозир баҳор фасли.

Ўқитувчи: Келингламиз биз ҳам дарсимизни бошлашдан олдин синфимиз ўқувчиларини гуруҳларга ажратиб оламиз.

1-гуруҳ “Қалдирғоч”, 2- гуруҳ “ Лолақизғалдоқ”. Икки гуруҳга иккита сардор тайинланди.

Ўқитувчи: Азиз болажонлар ўтган дарсимизда қандай мавзунини ўтган эдик?

Ўқувчи: Биз ўтган дарсимизда ”Қизиқарли жадвал” мавзусини ўтган эдик.

Ўқитувчи: Ҳозир ҳар иккала гуруҳ сардорини доскага чиқараман. Сонлар ёзилган карточкаларни оладилар. Доскада берилган шакллар ичига карточкалар ичида ёзилган сонлар қўйилади. Иккала сардор **кластер** ўйинидан фойдаланиб шу сонларни ҳосил қиладилар.

Ўқитувчи: қолган ўқувчилар хона бирликлари ҳақида савол-жавоб ўтказилади.

Дам олиш дақиқаси ўтказилади. “Кетган ким?” топқирлик ўйини.

Янги мавзу баёни. Учинчи қўшилувчини топиш. Бунда 1- масала берилган. Расм асосида масала тузиш. Биринчи саватда 10 кг олма, иккинчи саватда 8 кг олма. Учинчи саватда қанча олма бор? Учала саватда 28 кг олма бор эди.

Бор эди-28 , 1-саватда 10 кг олма , 2- саватда- 8кг олма 3- саватда-? кг

Ечиш: $10+8=18$ кг (1-ва 2- саватда) $28-18= 10$ кг (3-саватда)Ж: 3-сават 10 кг.

2- мисол. $80+20=100$ $30 +24=54$ $57+10=67$ $37+20=57$ $100-62=38$.

3-масала. $60+20=80$ $60-20= 40$

5-мисол яъни жадвални тўлдирамиз

Дам олиш дақиқаси ўтказилади.

Математик диктант. $69-9=60$ $72-2=70$ $65-5=60$ $73-3=70$ $88-8=80$

Ақлий хужум. Узунлик ўлчов бирлиги: м,дм,см. Кесма: Икки томони чегараланган тўри чизиқ. Квадрат: Тўрт томони тенг тўртбурчак. Натурал сонлар: 0,1,2,3,4,5,6,7,8,9 бўлган сонлар.

Ўқувчиларни баҳолаш ва рағбатлантириш

Уйга вазифа 4- 5- мисоллар.

1- “В”-синф назорат гуруҳида бошланғич синф ўқитувчиси дарсларни доимгидек ташкил қилди.

3-босқич(таҳлилий). Бошланғич синф ўқитувчилари ўз таклиф ва мулоҳазаларини яқунлагач, интерфаол методларни дарсларга қўлланилишининг ижтимоий, педагогик, психологик ва биологик жиҳатлари хусусида қўшимча илмий-назарий маълумотлар берилиб, интерфаол методлар асосида ташкил этилган дарсларнинг видео роликлари намоиш этилди. 1-“А”-синф тажриба гуруҳида дарслар ноанъанвий тартибда интерфаол методлар асосида олиб борилганлиги ва бошланғич синфларда интерфаол методларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари бошланғич синф ўқитувчиларининг мазкур йўналишдаги педагогик саводхонлик даражасининг ривожланиб бораётганлигини улар билан олиб борилган синов-тажриба ишлар мазмунида кўзга ташланди ва аниқланди.

Натижалар таҳлилини методик жиҳатдан, таҳлил этар эканмиз, ноанъанавий машғулотларнинг ташкил этилиши ва бунда интерфаол методлардан самарали ҳамда доимий фойдаланиш ўқувчиларни билим даражасини оширишда ижобий таъсир кўрсатади.

Олиб борилган синов-тажриба таҳлил натижаларига кўра танланган, 1-“А” синф тажриба гуруҳи, 1-“В” синф назорат гуруҳи самарадорлик даражаси қуйдагича аниқланди.

1) 1-“А” синф тажриба гуруҳи, жами: 26 нафар Фан: Математика
5-балл-9 нафар
4-балл-12 нафар
3-балл- 4 нафар
2-балл- 1 нафар

Олинган натижаларга кўра самарадорлик 80 % ни ташкил қилди.

2) 1-“В” синф назорат гуруҳи, жами: 27 нафар Фан: Математика
5-балл-7 нафар
4-балл-11 нафар

3-балл- 6 нафар

2-балл- 3 нафар

Олинган натижаларга кўра самарадорлик 66 % ни ташкил қилди. Юқоридаги синов-тажриба натижаси асосида шундай хулосага келинди. Дарсларда интерфаол методлардан самарали фойдаланиш ўзига хос педагогик шароит ва махсус ташкил этилган таълим жараёнини талаб этиб бунда:

- ўқитувчилар педагогик технологияларнинг илмий асосларини яхши ўзлаштириб олиши;

- бошланғич синф ўқитувчиларининг технологияларни қўллашдаги амалий саводхонлигини ошириш;

- таълим жараёнида тизимли-фаолиятли ёндошув;

- дарсларда педагогик технологиялардан доимий фойдаланиш;

- ўқитувчилар ўртасида самарали дарсларни ташкил этиш ва уларни оммалаштириш;

- устоз-шогирд тизимини ривожлантириш;

- бошланғич синфларда интерфаол методларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятларига қаратилган таълимнинг янгича шакл ва интерфаол методларини излаб топиш, амалиётга жорий этиш ҳамда бунда замонавий педагогик технологиялардан ўринли фойдаланиш, мақсадга мувофиқдир.

Умумий хулоса ва тавсиялар

Ҳозирги кунда таълим жараёнида интерфаол усуллар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Бунинг сабабларидан бири шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчи ва талабалар фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари чиқаришларига ўргатади.

Ўқитувчи бу жараёнда шахснинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда, бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради. Таълим жараёнида ўқувчи ва талаба асосий шахсга айланади. Шунинг учун бошланғич таълимда дарсларнинг самарадорлигини оширишда замонавий ўқитиш усули ҳисобланган интерфаол усуллар, инновацион технологияларнинг ўрни ва роли бениҳоя каттадир. Термиз шаҳридаги 13-мактабида олиб борилган тажриба синов ишларидан келиб чиққан ҳолда қуйдагича **хулосалар**га келинди:

Биринчидан, бошланғич синфларда интерфаол методларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари ижтимоий зарурат ҳисобланиб, бу жараёнда

бошланғич таълимда ўқитиладиган фанлар алоҳида ўрин тутди.

Иккинчидан, бошланғич синфларда интерфаол методларни қўллаш кутилган натижаларни берди.

Учинчидан, бошланғич синфларда олиб бориладиган машғулотларда ноанъанавий шакл, метод ва воситалардан мунтазам фойдаланиш бошланғич синфларда интерфаол методларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятларига ижобий таъсир кўрсатади.

Тўртинчидан, бошланғич синфларда интерфаол методларни қўллаш, жараёнида ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келди.

Бешинчидан, ўқувчида ўзаро мулоқотга киришиш, фикр билдириш, фикр алмашилиш кўникмалари шаклланади. Ўқув жараёнида - ўқувчининг ўз-ўзига баҳо бериши, танқидий қараши ривожланади.

Олтинчидан, ҳар бир ўқувчини ўзи мустақил фикр юрита олишга, изланишга, мушоҳада қилиш имконини берди.

Олиб борилган тажриба синов натижаларига асосланиб, бошланғич синфларда интерфаол методларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари самарадорлигини ошириш учун қуйидаги **тавсияларни** тақдим этиш мумкин:

- ўқитувчи, ўқувчиларни дарс давомида бефарқ бўлмасликка, мустақил фикрлаш, ижод қилиш ва изланишга мажбур этиши;
- ўқув жараёнида ўқувчиларни билимга бўлган қизиқишлар доимийлигини таъминлаши;
- ўқувчиларнинг билимга бўлган қизиқишини мустақил равишда ҳар бир масалага ижодий ёндашган ҳолда кучайтириши;
- жамиятнинг соғлом, рақобатбардош ва ижтимоий фаол ёшларга қўяётган талаблари асосида бошланғич синфларда интерфаол методларни қўллашнинг мақбул тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш;
- мактаб ўқитувчилари жамоасида устоз-шогирд тизимини ривожлантириш

асосида тажрибалар алмашиш;

- оммавий ахборот воситалари билан яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйиш асосида тадқиқот доирасида махсус эшиттиришлар, видео роликлар, ижтимоий лойҳаларни ишлаб чиқиш ва намойиш этиш;

- педагог ва ўқувчи, талабаларнинг доимо ҳамкорликдаги фаолияти ташкиллаштирилиши борасидаги мавжуд мазмунини, шакл ва методлари тизимига инновацион ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, 40-б, 1992 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонуни. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. Тошкент, 1997 йил.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.:, «Ўзбекистон» 1999 йил.
4. Баркамол авлод орзуси (Президент И.Каримовнинг нутклари, рисоалари асосида). Тўзувчилар: Ш.Курбонов, Х.Саидов, Р.Аслиддинов. – Тошкент, «Шарк» манбаи концерни, 248-б, 1999 йил.
5. Авлиёкулов Н.Х. Замонавий ўқитиш технологиялари – Тошкент, 2001.
6. Абдукуддусов О. Малака ошириш тизимида педагогик иновациялар.- «Халк таълими», 1999 6-сон, 49-53 бетлар.
7. Авлиёкулов Н.Х. Ўқитишнинг модул тизими ва педагогик технологияси амалий асослари, - Бухоро, 2000
8. Азизхужаева Н.Н. Ўқитувчи мутахассислигига тайёрлаш технологияси – Тошкент, 2000
9. Азизхужаев Н.Н. Замонавий педагогик технологиялар (Реклама - режалар). – Тошкент, 2002
10. Байсалов Ж. Модулли таълим технологиясини қўллаш. – «Халк таълими», 1999 6-сон 101 – 103 бетлар
11. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии – М.:

«Педагогика», 1989.

12. Зарипов К. Янги педагогик технологияни тадбиқ этиш босқичлари. – «Халк таълими», 1997 4-сон, 4-12 бетлар.

13. Зиёмухаммедов Абдуллаева Б.Ш. Илғор педагогик технология: Назария ва амалиёт «Маънавият асослари» дарси асосида ишланган услубий кўлланма.-Тошкент, Абу Али Ибн Сино номли тиббиёт нашриёти, 2001

14. Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. – М.: «Знание», 1989

15. Кларин М.В. Иновации в мировой педагогике. – рига, 1995.

16. Махмутов М.И., Ибрагимов Г.И., Чошанов М.А. Педагогические технологии развития мышления учащихся. – Казань, 1993, 88

17. Монахов В.М. Технологические основы проектирования и конструирования учебного процесса – Волгоград, Ярославль, 1991.

18. Нишоналив У., Толипов У., Икки шахс фаолияти уйғунлашганидагина таълим тарбиядан кўзланган мақсадга эришилади.-«Маърифат» газетаси, 2000 йил 19 апрел.

19. Нишоналиев У. Таълим стандарти ва педагогик инновациялар. – «Халк таълими», 1999 6-сон 28-31 бетлар.

20. Олимов Қ.Т., Саидахмедова М.С., Жалолова Д.Ф., Бозорова М.Қ., Болтаева М.Л., Алимов А.А.. Педагогик технологиялар. Т.: “Фан ва технология”, 2011 йил.

21. Очиллов М. Ўқитиш методи – педагогик технологиянинг асосий компоненти – «Халк таълими», 1999 6-сон 32-35 бетлар.

22. Очиллов М. Янги педагогик технологиялар. – Карши «Насаф», 2000

23. Розиков О., Огаев С., Махмудов А., Адизов Б. Таълим технологияси. – Тошкент «Ўқитувчи» 1999 й.

24. Сайидахмедов Н.С. Янги педагогик технология моҳияти. – «Халк таълими», 1999 1-сон, 97-102 бетлар.

25. Сайидахмедов Н.С. Педагогик маҳорат ва педагогик технология. –

Тошкент, 2003

26. Сайидахмедов Н.С. Ўқитувчи фаолиятининг технологияланувчанлиги. – «Халк таълими» журнали, 1999 5-сон
27. Сайидахмедов Н.С., Очилов А., Янги педагогик технология моҳияти ва замонавий лойиҳаси.- РТМ, 2000 55-бет.
28. Сайидахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар: Назария ва амалиёт – Тошкент, «Молия», 2003
29. Турсунов И. Янги педагогик технология ва унинг истикболи.- «Халк сўзи», 1999 йил 25 сентябр
30. Фарберман Б.Л. Прогрессивные педагогические технологии – Т.:, 1999 .
31. Чашманов М.А. Гибкая технология проблемно – модульного обучения – М.: «Народное образование», 1996
32. Гозиев Э. Педагогик технологиянинг психологик асослари. – «Халк таълими», 1999 6-сон, 36-38 бетлар.
33. Монахов В.М. Аксиометрический подход к проектированию педагогической технологии. – М.: «Педагогика», 1997 №6 стр-26
34. Йулдошев Ж. Янги педагогик технология йуналишлари, муаммолари, ечимлари – «Халк таълими», 1999 4-сон, 4-11 бетлар.
35. Йулдошев Ж. Таълим янгиланиш йулида – Т. «Ўқитувчи», 2000 208- б.
36. Янги педагогик технология: таҳлил, таъриф, мулоҳазалар (Ўқитувчилар учун методик тавсиялар) Тўзувчи муаллиф Х.Ҳақимжонов Проф. Н.Сайидахмедов умумий таҳрири остида – Тошкент, 2000
37. w.w.w. pedagog. uz.
38. w.w.w. ziyonet.

